

**ХДР**

1918-yil  
21-iyundan chiqqan  
boshlagan

№31, 2023-yil  
16-avgust,  
chorshanba (32.777)

# Ўзбекистон ОҲОҲИ

Иجتимоий-сиёсий газета

Биргалликда иجتимоий давлат сари!

## ҲАР БИР ТАШРИФДА ЧУҚУР МАЪНО, ҚАТЪИЙ МАҚСАД БОР



### ВАЗМИН ЙИФИЛИШ



5 САҲИФА

### КИМЛАРГА СУБСИДИЯ АЖРАТИЛАДИ?



6 САҲИФА

МАМЛАКАТ ЕТАКЧИСИНИНГ БИРОН МАМЛАКАТ ЁКИ ЎЗИМИЗДАГИ ҲУДУДГА ТАШРИФИ БЕЖИЗГА БЎЛМАЙДИ. ПРЕЗИДЕНТ ЎЗБЕКИСТОН НОМИДАН ЖАҲОН ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛАДИ, КЕНГ ҚАМРОВЛИ, КЎП ЎЛЧАМЛИ ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРАДИ, ҲАМКОРЛИК, ДЎСТЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ.

ДАВЛАТ РАҲБАРНИНГ ЮРТИМИЗДАГИ ҲАР БИР ҲУДУДГА ТАШРИФИДА ҲАМ ЧУҚУР МАЪНО, ҚАТЪИЙ МАҚСАД БЎЛАДИ. АЙНИҚСА, ФАРҒОНА, ТОШКЕНТ ВА БУХОРО ВИЛОЯТЛАРИГА ТАШРИФЛАР ДАВОМИДА БУТУНЛАЙ ЯНГИЧА ЁНДАШУВГА ЎТИЛДИ. БУГУНГИ МУРАККАБ ДАВР КЎЗИ БИЛАН ҚАРАГАНДА, ҲАЁТ-МАМОТ МАСАЛАЛАРИ АНИҚ БИР ҲУДУД МИСОЛИДА РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ БАРЧА МУТАСАДДИЛАР ГУВОҲЛИГИ ВА ИШТИРОКИДА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ.

2-3

### ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ЎРНАТИЛДИ

Нукус халқаро аэропортида ҳамкор ташкилотлар билан биргалликда амалий тадбир ташкил этилиб, унда ногиронлиги бўлган шахслар учун яратилган имкониятлар ва қулайликлар ўрганилди.

Унда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон Республика Кенгаши, Ўзбекистон Ноғиронлар Ассоциацияси Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлими, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати, Ўзбекистон ҳакамлик суди ассоциацияси, Ўзбекистон қарлар жамияти сингари ташкилотларнинг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлимлари, Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти ва Ўзбекистон Ноғиронлар жамияти Нукус шаҳри бўлими вакиллари иштирок этди.

Ўрганиш давомида фуқаролар ўртасида саволнома тўлдирилиб, аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан вазифалар белгилаб олинди.



## MUNOSABAT

# ХАР БИР ТАШРИФДА ЧУҚУР

МАМЛАКАТ ЕТАКЧИСИНИНГ БИРОН МАМЛАКАТ ЁКИ ЎЗИМИЗДАГИ ХУДУДГА ТАШРИФИ БЕЖИЗГА БЎЛМАЙДИ. ПРЕЗИДЕНТ ЎЗБЕКИСТОН НОМИДАН ЖАҲОН ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛАДИ, КЕНГ ҚАМРОВЛИ, КЎП ЎЛЧАМЛИ ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРАДИ, ҲАМКОРЛИК, ДЎСТЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ.

ДАВЛАТ РАҲБАРИНИНГ ЮРТИМИЗДАГИ ХАР БИР ХУДУДГА ТАШРИФИДА ҲАМ ЧУҚУР МАЪНО, ҚАТЪИЙ МАҚСАД БЎЛАДИ. АЙНИҚСА, ФАРҒОНА, ТОШКЕНТ ВА БУХОРО ВИЛОЯТЛАРИГА ТАШРИФЛАР ДАВОМИДА БУТУНЛАЙ ЯНГИЧА ЁНДАШУВГА ЎТИЛДИ. БУГУНГИ МУРАККАБ ДАВР КЎЗИ БИЛАН ҚАРАГАНДА, ҲАЁТ-МАМОТ МАСАЛАЛАРИ АНИҚ БИР ХУДУД МИСОЛИДА РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ БАРЧА МУТАСАДДИЛАР ГУВОҲЛИГИ ВА ИШТИРОКИДА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ.

ЮТУҚЛАР ЭЪТИРОФ ЭТИЛИБ, ҚАТОР КАМЧИЛИКЛАР, МАМЛАКАТ МИҚЁСИДАГИ МУАММОЛИ МАСАЛАЛАР ЧУҚУР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ. МУТАСАДДИЛАРГА АНИҚ НАТИЖАЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ. УЛАРНИНГ АКСАРИЯТИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАР, ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАРИ, ЭЛЕКТОРАТ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМОҚДА.

БУ ПАРТИЯНИНГ БАРЧА ДАРАЖАДАГИ ТАШКИЛОТЛАРИ, БУТУН РЕСПУБЛИКАДАГИ ДЕПУТАТЛИК КОРПУСИНИ ХУШЁРЛИККА, ДЕПУТАТЛИК ВА ЖАМОАТ НАЗОРАТИГА МАСЪУЛ СИФАТИДА ЯНАДА ТАЛАБЧАН БЎЛИШГА УНДАШИ ЗАРУР. ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ФАОЛЛАРИ БУНИ ЧУҚУР АНГЛАГАН ҲОЛДА, ПРЕЗИДЕНТ ТАЪКИДЛАЁТГАН МАСАЛАЛАР, ИЛГАРИ СУРАЁТГАН ҒОЯ-ТАШАББУСЛАР, КУН ТАРТИБИГА ҚАТЪИЙ КЎЙИЛАЁТГАН ВАЗИФАЛАР ҲАҚИДА ЎЗ ФИКР ВА МУЛОҲАЗАЛАРИНИ БИЛДИРМОҚДА.



**Шерзод РАҲМОНОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Иқтисодий ривож, маҳаллаларда ҳаёт яхшиланиши, халқнинг давлатдан розилиги турли омилларга боғлиқ.

Президентимиз Бухоро вилоятига ташрифи давомида ўтказган видеоселектор йиғилишида бугунги кун учун энг муҳим иккита – озиқ-овқат ва энегетика хавфсизлиги масалалари чуқур кўриб чиқилди. Хусусан, озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш орқали нарх-наво барқарорлигини сақлаш, аҳоли ва иқтисодий тармоқларини энергия ресурслари билан кафолатли таъминлаш масалаларида вазибалар белгилаб берилди.

Албатта, бу борада натижалар бор. Масалан, ўтган йили фуқароларнинг деҳқончилик билан шуғулланиши ва сифатли кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириши учун шароит яратилган эди. Яъни, аҳолининг муносиб даромад топиши учун пахта-ғалла майдонларининг қисқартирилиши ҳисобига юртдошларимиз ихтиёрига 200 минг гектар экин майдонлари ажратиб берилди.

**Натижада 700 минг нафар аҳоли доимий ва 1 миллион 300 минг нафари мавсумий иш билан таъминланди.** Ички бозорга картошка, пиёз, сабзи ва бошқа бир қатор маҳсулотлар етказиб берилиши нарх-навонинг барқарорлигини таъминлашга ҳисса қўшди. 605 мингдан ортиқ деҳқоннинг даромади ошиб, турмуш кечириши яхшиланди.

Давлат раҳбари томонидан ушбу йўналишда янги ташаббус ва ғоялар илгари сурилгани эса аҳолининг ислохотларга хайрихоҳлигини янада оширмоқда.

Хусусан, дастлабки босқичда фуқароларга кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун экин ерлар 10 йил муддатга ажратилган эди. **Давлат раҳбари шу ҳақда тўхталар экан, ҳокимлар бугунги кунгача ажратилган ердан самарали фойдаланишни тўғри ташкил қила олмаётганини танқид қилди.**

Жумладан, сув таъминоти ва унумдорлиги яхши бўлмагани учун жами ерларнинг 13 минг гектари ёки 8 фоизи қаровсиз турибди. Бухоро, Қашқадарё ва Наманганда атиги 15 фоиз ерлар эҳтиёж-

манд оилаларга берилган, холос.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, дастлабки босқичда 10 йил муддатга ажратилган 73 минг гектар майдоннинг ижара муддатлари 30 йилга узайтириб берилиши белгиланди. Албатта, бундай қулай имкониятдан самарали фойдаланган ва ердан яхши даромад қилган фуқароларнинг ишлари инobatга олинади, манфаатдорлиги янада оширилмоқда. **Бундай адолатли ёндашувни ҳалқимиз меҳнатга, яхшиликка интилишни рағбатлантириш, деб қўллаб-қувватламоқда.**

Шунингдек, аҳолини сифатли чорва маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида фуқароларга бўш турган 100 минг гектар яйловлардан 10 гектардан 10 йил муддатга ижарага берилиши қайд этилди.

**Партиямиз учун қувонарли жиҳати шундаки, ерлар “Ижтимоий ҳимоя реестри”га киритилган эҳтиёжманд аҳолига ажратилганда, барча тўловлардан озод қилиниши белгиланди. Имкониятлар яратилишидан барча депутатларимиз, аъзоларимиз мамнун, айна пайтда депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш зарурлигини ҳам англамоқда.**

Чунки, ҳар бир яратилган имконият иш жойига эга бўлмаган ҳамда хориждан қайтган кўплаб фуқароларнинг иш билан таъминланишига, қўшимча даромад манбаига эга бўлишига замин яратади.

Шунингдек, кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи тадбиркорлар учун ҳам қатор шароитлар яратилмоқда. Натижада полиз маҳсулотларини етиштирувчи иссиқхона фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлар сони йилдан-йилга ошиб бориб, иссиқхоналар майдони 3 бараварга ошди. Етиштирилган маҳсулотлар 90 минг тоннадан 300 минг тоннага етказилгани ва бунинг ортидан 150 минг нафардан ортиқ фуқаро иш билан таъминлангани, рўзгорига даромад киргани қувонарли.

Ушбу соҳада давлат томонидан қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирлар имкониятлар эшигини очиб, соҳанинг янада кенгайишига асос бўлмоқда. Бу, албатта, мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини кучайтиришда, нархларнинг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Шу билан бирга, экспорт салоҳиятини янада ривожлантиради.



**Феруза ОҚИЕВА,**  
Республика Маънавият ва маърифат маркази Бухоро туман бўлинмаси раҳбари, вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси:

– Уй-хонадонлар, маҳаллаларни кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ишларини кенг кўламда олиб бориш бугунги кундаги энг долзарб вазифага айланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Бухоро вилоятига ташрифи чоғида Ромитан туманида ўтказилган йиғилишда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида барча ҳудудларда кўкаламзорлаштириш даражасини 30 фоизга етказиш бўйича катта дастур қабул қилингани, бунинг учун ҳар бир вилоят баҳор ва куз мавсумида 15 миллион туп дарахт кўчатлари экиши, барча шаҳарлар атрофида “яшил белбоғ”лар ташкил қилиш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари ҳудудларда экологик вазиятни яхшилаш, аҳолига қулай яшаш ва тоза ҳаво муҳитини яратиш кераклигини уқтириб, барча тизим ва ҳудуд раҳбарларига маҳаллалар, аҳоли пунктлари, кўп қаватли бино, ҳовлилари ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича тарғибот ишларини кучайтиришни топширди.

Бугун юртимиз бўйлаб амалга оширилаётган шундай хайрли ишларга ҳар бир инсон қарамбаста бўлиши фаровон келажагимиз кафолатидир. Зеро, фарзандга муносиб исм қўйиш, уни тарбиялаш, касб-хунарни қилиш ота-онанинг асосий вазифаси ҳисобланади. **Шу билан бирга, хонадонда фарзанд туғилса, кўчат экиш ҳам анъана сифатида қаралган. Давлатимиз раҳбари шу анъанани қайта ривожлантириш ва доимий маданиятга айлантириш муҳимлигини таъкидлади.**

Келинг, масалани рақамларда кўриб чиқайлик. Бухоро вилоятидаги ФХДЭ бўлим-

лари томонидан жорий йилнинг 5 ойи давомида 15797 та туғилиш қайд қилинган. Агар дунёга келган ҳар бир чақалоқ учун 5 тадан кўчат ўтқазилса, уларнинг сони 80 мингга яқинлашади. Агар бу рақамларни бир йилда вилоятда, мамлакатда туғилиши мумкин бўлган болаларга кўпайтирсак, рақамлар янада ортиши табиий.

Аксарият юртдошларимиз маблағ топса, тўй қилади, уй қуради, автомобиль сотиб олади. Агар шуларнинг ёнига дарахт экишни одатга, анъананага айлантирсак, алоҳида лойиҳага ҳам, оворагрчиликларга ҳам ҳожат қолмайди. Дабдабани хушловчи одамлар миллионлаб пулини бир неча соатлик тадбирларга сарфлаб юборади. Ёши улур инсонлар бошчилигида экиладиган кўчат эса янги меҳмон билан бирга ўсади. Хонадон, маҳалла, юртининг файзига файз қўшади.

Ҳар бир гўшанинг ўзига хос табиати мавжуд бўлиб, Бухоро воҳаси чуқурликда жойлашгани сабаб ерлари, сувлари шўр ҳисобланади. Шунинг учун инobatга олган ҳолда, иқлимга чидамли дарахтлар экишга тўғри келади.

Аммо сув сероб баъзи ҳудудларда экилган кўчатларнинг кейинги тақдирини сув таъминоти яхши бўлган ҳудудларга экиш топширилди. Шунингдек, ўрмон хўжалиқларининг 1,5 минг гектар ер майдонларида касаначилик асосида кўчат етиштириш йўлга қўйилиши, бу орқали камида 10 минг нафар аҳоли бандлиги таъминланиб, ҳар бир кўчатни кафолатли сотиб олиш тизими яратилиши зарурлиги таъкидланди.

Йиғилиш давомида Давлатимиз раҳбари томонидан тегишли ҳудудлар раҳбарларига қаровсиз қолган 10 миллион туп дарахт ўрнига яна шунча дарахт кўчатини сув таъминоти яхши бўлган ҳудудларга экиш топширилди. Шунингдек, ўрмон хўжалиқларининг 1,5 минг гектар ер майдонларида касаначилик асосида кўчат етиштириш йўлга қўйилиши, бу орқали камида 10 минг нафар аҳоли бандлиги таъминланиб, ҳар бир кўчатни кафолатли сотиб олиш тизими яратилиши зарурлиги таъкидланди.

Бухоро вилоятида 3 та туманда ўрмон хўжалиқлари мавжуд бўлиб, турли хилдаги манзарали дарахт кўчатлари ва мевали дарахтлар етиштирилади. Миллионлаб кўчатлар экишимиз учун, албатта, бундай хўжалиқлар ҳар бир туманда ташкил этилиши, деҳқон, фермерларимизни ҳам бу йўналишга даъват этишимиз керак бўлади.

**Йўл четларида ота-боболаримиз экиб келган терак қўчатлари ўтқазини оммалаштириш лозимлиги таъкидланди. Бу энг ҳаётий ташаббус, деб ўйлайман. Чунки, терак экиш учун алоҳида инвестицияга ҳам, қўшимча маблағга ҳам эҳтиёж йўқ. Озгина хоҳиш ва меҳнат кифоя.**

Биламиз, тераклар қаламча ҳолатида экилади. Айтилган, кўк терак экилса, бир неча йилда улардан қурилиш саноатида фойдаланиш мумкин. Бу ташқаридан қимматга сотиб олинаётган ёғочларга бўлган талабни ҳам камайтиради. Натижада ички бозорда нархлар барқарорлашади.

Бунинг учун маълум муддатга шартнома тузиш орқали одамларга йўл четларини бўлиб бериш бўйича шароит яратиш топшириғи берилди. Албатта, фақат экиладиган тераклар унинг ўзига берилишини таъминлаш муҳим. Манфаат бор жойда натижа ҳам бўлади.

Шунинг учун ҳар бир оила Давлат раҳбари ташаббусини қўллаб-қувватлаши, терак ва ток экишга мажбурият эмас, қадрият, табиат олдидаги бурч сифатида ёндашиши керак, деб ўйлайман. Биз депутатлар, партия фаоллари, нурунийлар билан бирга бу борада тарғибот-тушунтириш ишларини кучайтираемиз.

» **Партиямиз учун қувонарли жиҳати шундаки, ерлар “Ижтимоий ҳимоя реестри”га киритилган эҳтиёжманд аҳолига ажратилганда, барча тўловлардан озод қилиниши белгиланди. Имкониятлар яратилишидан барча депутатларимиз, аъзоларимиз мамнун, айна пайтда депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш зарурлигини ҳам англамоқда.**

# МАЪНО, ҚАТЪИЙ МАҚСАД БОР



**Акмал УМАРАЛИЕВ,**  
Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси:

— Жамият ўзгарди, халқимиз фикри, ҳаётга муносабати ўзгарди. Айниқса, иқтисодий тармоқларини жадал ривожлантириш ва тадбиркорликка кенг йўл очиш, янги иш ўринлари яратиш, камбағалликни қисқартириш ҳамда аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, шаҳар ва қишлоқларимизни обод қилиш, юртимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтириш йўлида эришилаётган натижалар ҳар бир юртдошимизнинг ўзига, давлатга нисбатан талабчанлигини ҳам оширмоқда.

Давлатимиз раҳбари вилоятимизга ташрифи давомида Оҳангарон тумани, Ангрен ва Оҳангарон шаҳарларида жойлашган “Ангрен” эркин иқтисодий зонасидаги корхоналар ва янги лойиҳалар фаолияти билан танишди. Яқингача ҳам чўл ва дашт бўлган бу ерлар бугунга келиб, обод ва саноат инфратузилмаси ривожланган ҳудудга айланмоқда. Янги имкониятларни ишга солиш орқали Оҳангарон туманида йил якунигача қўшимча 180 миллион долларлик 100 та лойиҳа бошланиши кутилмоқда.

Умуман, Тошкент вилоятида ишларни самарали ташкил қилиш орқали йил якунигача қўшимча 2 миллиард долларлик лойиҳаларни бошлаш, бюджетга қўшимча 1 триллион сўм тушириш учун барча имкониятлар борлиги қайд этилди.

Шунингдек, Тошкент вилоятида янги саноат, хизмат кўрсатиш ва ижтимоий соҳа мажмуалари ишга туширилди. Уларда цемент, ип-калава, тўқимачилик, фармацевтика, бойитилган каолин, кимё маҳсулотлари, томчилатиб суғориш шланглари, рангли металллар ишлаб чиқарилади. Умуман, мазкур корхоналарда 3 мингдан зиёд янги иш ўрни яратиш режалаштирилган.



**Гулчехра ЖЎРАЕВА,**  
Фарғона вилояти оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари, вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси:

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, бандлигини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири саналади. Бунинг учун аввало ижтимоий-иқтисодий масалалар ҳал этилиши лозим. Хусусан, одамларни ўйли ва ишли қилиш, ўз фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлганларни қўллаб-қувватлаш муҳим. Чунки ҳамма ҳам ташаббускор бўлавермайди. Фаоллик кўрсатаётганлар эса атрофидагиларни ҳам ана шунга рағбатлантиради, одамларнинг бандлигини таъминлайди, энг камида ўзи иқтисодий қарам бўлмайди. Имкони бор одам катта орзу-мақсадлари сари қадам ташлайди, дунёқараши ҳам, режалари ҳам ўзгаради.

Шу билан бирга, солиқ тўловчилар сафи кенгаяди. Бюджет тушумлари миқдори ортади. Бу эса янги мактаб, боғча, тиббиёт масканлари, замонавий спорт майдончалари-ю пенсия ва нафақаларнинг ошишини аниқлатади. Бир сўз билан айтганда, турмуш фаровонлигига хизмат қилади.

Аммо бунинг учун ёндашув муҳим. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек,



солиқчилар тадбиркорларга пул ундириш нуқтаи-назаридан эмас, балки уларни қўллаб-қувватлаш орқали ўстириб, солиқ базасини кенгайтириш манбаи сифатида қараши зарур.

— Биламизки, оилалар жамиятни ташкил қилади. Оилалар тинчлиги ҳам беvosита мамлакатдаги осойишталикка хизмат қилади. Бунинг учун табиийки, улардаги масалаларни ҳал қилиш муҳим саналади. Шу мақсадда давлатимиз томонидан қатор чоралар кўрилмоқда. Масалан, минимал истеъмол харажатлари миқдори 500 минг сўмдан 570 минг сўмга оширилгани сабабли Фарғонада яна 9 минг оила камбағал тоифасига қўшилди. Шу боис мутасаддиларга ўшбу оилаларнинг ҳар бирига ҳоким ёрдамчиларини бириктириб, уларнинг даромадини ошириш чораларини кўриш топширилди.

Фарғонада аҳолига деҳқончилик учун аукционга чиқарилиб, талабгор аниқланмаган 1 минг 157 гектар экин ерларини аҳоли учун қўлай ҳудудларга алмаштириш, бу ерларда камида 15 минг иш ўрни яратишга кўрсатма берилди.

Яна кўплаб соҳаларда аҳолининг турмуш фаровонлиги оширишга хизмат қилувчи топшириқлар юклатилди. Уларнинг ижроси устидан назорат олиб бориш эса биз депутатларга катта масъулият юклайди. “Давлат раҳбари вазифа берди, биз назорат қилмасак ҳам бажарилади”, деган қараш билан ёндашсак, адашамиз. Чунки бизни халқ сайлаган, муаммоларига ечим топшига, уларнинг овози бўлишимизга ишонч билдирган.

Шу сабабли ҳаракатларимиз ҳам, гап-сўзимиз ҳам шунга мос равишда ўйланган, мулоҳазали бўлиши зарур. Маҳаллий ижро ҳокимиятидан ҳисоб сўраси учун, аввало, депутатнинг ўзида билим ва тажриба бўлиши лозим. Билдирилган фикрлар, асосли танқидлардан тўғри хулоса чиқариб, ҳаракат қилинса, нафақат одамлар олдида, балки виждон олдидаги бурч ҳам адо этилган бўлади.



**Дилбар МАМАДЖАНОВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Тинчлик ва хотиржамлик. Бу икки сўз замирида нафақат бирор бир мамлакат, балки бутун инсониятнинг тараққиёти учун хизмат қиладиган тушунчалар мужассам. Сабаби,

Давлатимиз раҳбари Фарғонага ташрифи давомида билдирган фикрлардан шунга яна бир қарра амин бўлдим. Чунки одамларни рози қилиш учун аввало уларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш зарур. Вилоятда бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида қайд этилган масалалар чуқур ўйлашга, ичимизни, ўзимизни ислоҳ қилишга ундагани рости.

Таъкидланганидек, вилоятда бўлиб ўтган сайловолди учрашувида Фарғона аҳолиси турмуш шароитини янада яхшилаш, вилоят иқтисодиётига фаол инвестициялар жалб қилиб, аҳоли даромадларини ошириш бўйича катта марралар олинди. Ҳамюртларимиз бугун аниқ натижаларни кутяпти. Шу сабабли ҳокимлар ёки вазирлар янги қурилган объектларни кўрсатиш билан қутулмаслигига урғу берилди. Масалага ичкаридан ўрганиш ва баҳо бериш орқали кимнинг қандай ишлаётгани намоён бўлади.

Умуман, мамлакат етакчиси Фарғонадаги ишларга танқидий-таҳлилий нуқтаи назар билан ёндашиб, кескин чоралар кўрди. Чунки кўплаб йўналишларда олдинги қаторда бўлиб келган вилоятда бугун қоникарсиз натижалар олинляпти. Масалан, инвестициялар жалб қилиш кўрсаткичлари ўтган йилга нисбатан қарийб икки баробар камайиб кетгани рақамлар билан айтиб ўтилди.

Шунингдек, бир пайтлар саноат ўсиши бўйича пешқадамлардан бири бўлган Фарғона ўтган олти ойдаги натижалар сабаб 12-ўринга тушиб кетган. Бунга сабаб ҳамма туманда ҳам фаолият бирдек йўлга қўйилмагани экани билдирилди. Аҳолини арзон ва сифатли уй-жойлар билан таъминлаш бўйича ҳам аҳвол яхши эмас. Жорий йилда вилоятда қурилиши режалаштирилган 212 та уй-жойдан бугунги кунгача 42 таси фойдаланишга топширилган, холос.

Соҳалар кесимида рақамлар таҳлил қилинар экан, бой берилган имкониятлар ва бунинг сабаблари ҳам айтиб ўтилди. Табиийки, масъулиятсизликка йўл қўйган раҳбарларга чоралар ҳам кўрилди.

Йиғилишда Президент топшириғига қўра, вилоятнинг ишга солинмаган имкониятларини аниқлаш ва уларни рўёбга чиқариш бўйича ҳар бир туман ва шаҳарга республикадан масъуллар бириктирилди.

Мисол учун, Бешариқда аниқланган захиралар ҳисобиغا, жорий йилда 100 миллион долларлик 19 та йирик лойиҳани бошлаш ва қўшимча 10 миллиард сўм солиқ тушумини таъминлаш учун барча имкониятлар бор. Бу орқали жорий йилнинг ўзида 14 минг аҳоли доимий иш жойи, даромад манбаига эга бўлади.

Президент Фарғонада бошланган ўшбу тажрибани барча ҳудудларда йўлга қўйиш учун йил якунигача қадар “сафарбарлик” эълон қилди.

**Саврон МИРЗАЕВ,**  
Пискент туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДР гуруҳи аъзоси:

— Яна бир масала. Тан олиш керак, субсидиялар ўз вақтида эгаларига етиб боришини таъминлаш ҳам сусткашликларга йўл қўйилмоқда. Маҳалла раислари ва ҳоким ёрдамчилари ташкилотчилигида бандлик, ёшлар ва аёллар жамғармалари орқали берилаётган субсидиялар, оилавий кредитлар ҳисобидан меҳнат қуроли ва тадбиркорлик учун зарур маҳсулотларни харид қилиш тизими яхши ишламаётгани таъкидланди.

Масалан, маблағлар аҳолига тўғридан-тўғри берилмайди. Маҳаллабай ва Ёшлар агентликлари ҳамда Марказий банкнинг “маркет плейслари” орқали “тендерларда голиб бўлган таъминотчиларга” ўтказиб берилади. Яъни, танлов йўқ, агентлик ёки банкнинг электрон платформаларидаги сотувчилар нимани қанча нархда таклиф қилса, одамлар шуни олишга мажбур бўлмоқда. Уларнинг барчаси партияимиз электорати вакиллари ҳисобланади.

Аҳолида танлаш имконияти етмаганидай, таклиф қилинаётган маҳсулот ва хизматлар бозордан 20-25 фоиз қиммат. Натижада олинаётган кредит маблағлари оилаларни янада қийин аҳволга солиб қўйиш ҳолатлари тез-тез учрамоқда. Олинган қарзни қайтариш билан боғлиқ муаммолар эса банклар ва одамлар ўртасидаги тушунмовчиликларга сабаб бўлмоқда. Шу сабабли Бош прокуратура, Ҳисоб палатасига имтиёзли маблағлар ҳисобидан аҳолига маҳсулот ва хизматлар тақдим қиладиган “маркет плейслар” фаолияти шаффофлигини текшириш топширилди.

Албатта, биз буни қўллаб-қувватлаймиз. Лекин бу қўллаш амалий иш, аниқ натижа билан бўлиши зарур. Умумий танқид билан депутатлар ишида самара кўринмайди, номига ёндашув депутатга, партияимизга ҳам обрў олиб келмайди. Шунинг учун ҳар бир ҳудуддаги партия гуруҳи субсидиялар самарадорлиги бўйича режа асосида фаолият юритиши шарт.

Ҳимоя ва қўллаб-қувватлашга ажратилаётган маблағлар ўз эгаларига тўғридан-тўғри етиб бориши ва унинг кўпроқ маҳсулот ҳамда хизматларга сарфланиши аҳолининг иқтисодий фаоллигини оширишга замин бўлади. Биз бу тизим тўғри ишлаши учун ўзимизни жавобгарлардан бири, деб билишимиз зарур.

Қўш саҳифани “Ўзбекистон овози” муҳбири Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА тайёрлади.



## STRATEGIYA — 2030



**БЕШТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШ, 100 МАҚСАД, 7 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ. 15 АВГУСТДА ЖАМОАТЧИЛИК МУХОКАМАСИДАН ЎТГАН "ЎЗБЕКИСТОН – 2030" СТРАТЕГИЯСИ ЮРТИМИЗНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИНИ, ЖАМИЯТИМИЗНИНГ КЕЙИНГИ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТ БЎЛИШИ ҲАҚИДА ФИКРЛАР БИЛДИРИЛМОҚДА.**  
**СТРАТЕГИЯДА ИНСОНГА АВВАЛО ШАХС СИФАТИДА ҚАРАШ, УЛАРНИНГ ИМКОНИАТЛАРИ БИЛАН ҲИСОБЛАШИШ, ЎЗИНИ, САЛОҲАТИНИ НАМОЙИШ ЭТИШИ УЧУН ШАРОИТ ЯРАТИШИ, КЎМАКЛАШИШ КАБИ МУҲИМ ЖИҲАТЛАР ҚАМРАБ**

**ОЛИНГАН. ШУНИНГДЕК, ФУҚАРОЛАРНИНГ ТУҒИЛИШИДАН ТО КЕКСАЛИГИГА ҚАДАР МУНОСИБ ҲАЁТ КЕЧИРИШИ УЧУН ЗАРУР ҲЕЧ БИР МАСАЛА ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАГАН.**  
**ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ, СОҒЛОМ БОЛАЛИК, ТАЪЛИМНИНГ БАРЧА БОСКИЧЛАРИ, ҲАТТО ОЛИМЛИК ДАРАЖАЛАРИГА ЭРИШИШ ВА УЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ҲАМ ҲУЖЖАТДАН ЎРИН ОЛМОҚДА. АЁЛЛАР, ОИЛАВИЙ МУҲИТ, МАҲАЛЛА ИШИ, НУРОНИЙЛАР, ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА ЭЪТИЁЖМАНД КИШИЛАР, ЭКОЛОГИЯ МУҲОФАЗАСИ, СУВ РЕСУРСЛАРИДАН Фойдаланиш, Қўйингки, ҲАР БИР ҚАТЛАМ ВА СОҲАГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР БЕРИЛГАН.**

# ҲАММАМИЗ УЧУН МУҲИМ

## ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



### НУРОНИЙЛАР ҲАМИША ЭЪЗОЗДА

**Ботир ТЕМИРОВ,  
Ўзбекистон Қаҳрамони:**

— Инсон борки, ўз олдига катта-кичик мақсадлар қўяди. Уни амалга ошириш учун имкониятидан келиб чиқиб, режалар тузади. Умуман, ҳаётнинг ўзи мақсадлар сари ҳаракат қилиш, янги-янги орзуларга интилиш мезони асосига қурилган, деб биламан. Энди ушбу масала мамлакат миқёсда олинганда бу мақсадлар жамланган йирик стратегияга айланади ва жамият ана шу асосида ривожланади, тараққий этиб боради. Шундан келиб чиқиб, юртимизда амал қилиб турган стратегия ва 2030 йилгача мўлжалланган масалаларни қамраб олган стратегия лойиҳаси чин маънода яхши қадамларга замин, деб айта оламан.

Ёши улғу инсонлар нимани истайди? Табиийки, йиллар давомида озми-кўпми қилинган меҳнатнинг самарасини, фарзандлар камолини ва албатта ўз Ватанининг гуллаб-яшнаётганини кўришни хоҳлайди. Бунинг учун биринчи галда соғлом бўлиш талаб этилади. Стратегияда таклиф этилаётган соғлом ва фаол кексаликни таъминлаш мақсади, ўйлашимча, шу маънода киритилмоқда.

Унда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг **Фаол кексалик концепцияси ва Кекса одамларнинг саломатлиги ҳамда фаровонлигини баҳолаш индикаторларини** амалиётга жорий этиш масаласи асос қилиб олинмоқда. Демак, ҳужжатда айтилишича, аввало кекса ёшдаги аҳолининг саломатлигини ва фаоллигини баҳолаш тизимини жорий этиш лозим. Чунки баъзи инсонлар 60 ёшдаёқ бирор жиддий ишга ярамай қолиши мумкин. Айримлар эса, аксинча, 80 дан ошса ҳам қуч-ғайратга тўла бўлади. Агар фақатгина паспортдаги ёшга қараб баҳоланса, бу хато бўлади. Инсоннинг биологик ҳолатини аниқловчи тизим яратилса, кимга қандай кўмак ёхуд қанақа вазифа бериш мумкин, деган саволнинг жавоби келиб чиқади. Натияжада ижтимоий кўмакнинг ва давлат йўналтираётган маблағнинг мақсадлилиги ҳам ортади.

Албатта, катта ёшдаги аҳолини ҳар йили профилактик кўрикдан ўтказиб туриш ҳам иш унумдорлигини оширади. Ана шунда кимдадир сурункали касаллик аниқланса, амбулатор ва стационар соғломлаштириш масалалари жадаллашади, деб ўйлайман. Мазкур йўналишда ҳам стратегияда алоҳида меъёрлар белгиланаётгани қувонарли, албатта.

Ҳужжатда юқумли бўлмаган касалликка чалинган кекса ёшдаги беморлар ва уларнинг фарзандларини "Ўз ўзини парвариш қилиш"га ўргатиш мақсадида кўп тармоқли марказий поликлиникаларда "Профилактика мактаби" машғулотларини ўтказиш зарурати белгиланяпти экан. Мазкур меъёр ҳам жуда ўринли, деб ўйлайман. Яъни, одамларнинг тиббий маданиятини оширишга хизмат қилувчи ўз-ўзини эҳтиёт қилиш, саломатлигини асрашни ўргатиш ани мумкин. Ривожланган мамлакатларда бу масалалар одатий ҳолга айланган. Аслида ҳам, тўғри овқатланиш, ортиқча вазндан ҳимояланиш, бадантарбия ва оддий гигиеник талабларга амал қилиш билан ўз саломатлигини ҳимоялаши мумкин.

Аччиқ бўлса ҳам, бир ҳақиқатни айтман. Одамларга аввало тўғри яшашни, турли фойдасиз маросимлардан воз кечиш, дабдабага эмас, илм, соғлом бўлишга маблағ сарфлашни ўргатмай туриб, жуда катта натижалар ҳақида ўйлашдан воз кечганимиз маъқул. Шу жиҳатдан олиб қараганда ҳам стратегия меъёрлари ҳаётий, деб биламан.



**Турсунбой СОЛИЕВ,  
Ўзбекистон ХДП Тошлоқ туман кенгаши раиси, туман Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси:**

— Барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қонун устуворлиги, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш, мамлакатни тинчликсевар ва хавфсиз давлатга айлантириш масалаларини ўз ичига олгани билан таклиф этилаётган ҳужжат аҳамиятлидир.

Белгиланишича, мактабгача таълим билан қамров даражасини 74,5 фоизга етказиш, бунда, давлат мактабгача таълим ташкилотлари сонини 6,7 минг, давлат-хусусий шериклик асосидаги му-

ассасаларни 26 мингга етказиш, 6 ёшли болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини 93 фоизга ошириш режалаштирилган.

Туманимиз миқёсда оладиган бўлсак, бундан беш-олти йил аввал бор-йўғи 19 та давлат мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатар эди. Қамров эса 30 фоизга ҳам бормасди. Интилишлар самараси ўлароқ бугун 28 та давлат, 185 та оилавий, 8 та давлат-хусусий шериклик асосида болалар боғчалари бунёд этилди. Қамров эса 70 фоизни ташкил қилмоқда. Бундан ташқари, тумандаги "Тоғлиқ", "Терактаги" ҳамда "Қўрғонча" МФЙлар ҳудудида камида 450 ўринли давлат мактабгача таълим ташкилоти инвестиция дастури асосида қурилиши режалаштирилган.

Ўзбекистон ижтимоий давлат, деб эълон қилинган сўнг давлатнинг ижтимоий мажбуриятлари деярли уч баробарга кўпайтирилди. Таълим, тиббиёт ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш бўйича давлат ўз мажбуриятларини бажариши йўлидаги ислохотлар янги босқичга чиқмоқда. "Ўзбекистон - 2030" стратегияси мақсадлари, жумладан, ижтимоий йўналтирилган мақсадлари Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастурий ғояларига ҳамоҳанг экани билан аҳамиятлидир.

Шу тариқа белгиланган чора-тадбирларга мувофиқ, 2030 йилга бориб, мактабгача таълимга бўлган эҳтиёж тўла қопланиб, боғчаларнинг кенгайиши ва моддий-техника базасини ривожлантириш эвазига қамров сонини 100 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда. Бунда, айниқса, эҳтиёжманд оилалар фарзандлари учун боғча ва хусусий боғча харажатларини давлат томонидан

қоплаб бериш тартиби жорий этилади. Мактабгача таълим муассасаларида оксил, витамин ва минераллар билан бойитилган сут, йод билан тўйинтирилган нон маҳсулотлари берилиши йўлга қўйилади.

Шунингдек, келгуси етти йилда мактабларда икки ярим миллион ўқувчи ўрнини яратган ҳолда таълим сифатини тубдан яхшилашга устувор вазифа, деб қаралмоқда. Бу борада йилга 500 минг ўқувчи ўрни дастури ишлаб чиқилгани қувонарли ҳолдир.

Аҳоли, айниқса, таълим муассасаларида тоза ичимлик суви ва санитария-гигиена инфратузилмаси билан таъминлаш масалаларига катта эътибор қартилмоқда. Масалан, авваллари аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 60 фоизга етган бўлса, кейинги йилларда бу борада катта лойиҳалар амалга оширилиб, ижобий натижаларга эришилди. Маҳаллаларнинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш масаласи бўйича Президент қарорига мувофиқ, жорий йилнинг ўзида аҳолини ва ижтимоий объектларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласида 17 та лойиҳа амалга оширилди. Натияжада 95 фоиз туманимиз аҳли тоза ичимлик сувига эга бўлди.

Мактаб тизимини тубдан ислох қилиш, асосийси, болалар саломатлигини асраш, соғлом овқатланиш, иқтидорли фарзандларимиз учун ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этиш ва уларда Президент мактабларидан кам бўлмаган шароитларни яратиш яхши янгиликлар, юксак марралардан дарак беради. Буларнинг барчаси Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат эканининг ёрқин исботи бўлади.

## РАҲБАР АЁЛЛАР КЎПАЯДИ



**Нигора АЛИЕВА,  
Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари:**

— Оилада аёл ўқимишли бўлса, 10 нафарнинг боланинг 9 таси зиёли бўлади, деган қараш бор. Аслида ҳам оқила ва ўқимишли оналар чинакам буюк миллатни тарбиялайди. Чунки билими ва зукко она ўз боласини ҳам ана шундай хусусиятлар билан тарбиялайди. Оқилалик эса яхши ҳулқ ва тарбия, китобга бўлган муҳаббат, кенг дунёқараш каби жиҳатларни ўзида мужассам этади. Давлатимиз раҳбари таъбири айтганда эса бир қизни ўқитиш билан бутун оилани ўқитган бўлаемиз.

Афсуски, илгари жамиятимизда бу қарашларнинг акси шаклланган эди. Шукрки, бугун одамлар қиз боланинг билими бўлиши оила, келажак авлод, бутун бир жамият учун нақадар муҳимлигини англаб етмоқда. Тан олиш керакки, бунда амалиётга татбиқ этилаётган турли меъёрий ҳужжатларнинг таъсири катта.

"Ўзбекистон – 2030" стратегиясидаги мақсад ва унга элтувчи чораларда ҳам бу яққол ифода этилган. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини қучайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий фаоллигини ошириш ва гендер тенгликни таъминлаш. Бу таклиф этилаётган ҳужжатдаги мақсадлардан биридир. Унда тилга олинган дастлабки масала **давлат хизмати, таълим, илм-фан, спорт, соғлиқни сақлаш ҳамда бошқа ижтимоий-иқтисодий** соҳаларда хотин-қизлар ва эркеклар учун **тенг ҳуқуқ** ҳамда **имкониётларни таъминлаш**, хотин-қизларнинг **ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш** бўйича мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқдир. Ўз навбатида бунинг учун нималарга эътибор қаратиш зарурлиги ҳам келтириб ўтилган.

Масалан, давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда хотин-қизлар ва эркекларнинг тенг иштирокини таъминлаш зарурлиги таъкидланмоқда. Бугун вилоятимизда 320 нафар маҳаллий Кенгаш депутати фаолият олиб бораётган бўлса, уларнинг 59 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Бундан кўринадики, хотин-қизлар муаммоларини ҳал қилиш бўйича имкониётлар тўлиқ таъминланмаган. Стратегиядаги вазифалар ижроси мазкур йўналишда ҳам сирдарёлик опа-сингилларимиз учун алоҳида имконият демакдир.

Маҳаллаларда "Мамлакат тараққиётида хотин-қизлар улуши" мавзусида давра суҳбати ҳамда учрашувлар ҳафталиклари ўтказилиб келинмоқда. Давлат бошқарувини хотин-қизлар иштирокини ошириш мақсадида 15 минг 483 нафар фаол хотин-қизлар захирага олинган. Улардан 6 нафар номзод сараланиб, Давлат бошқарув академияси "Раҳбар аёллар мактаби"да ўқитилди.

Шунингдек, олий таълим муассасаларида тахсил олаётган эҳтиёжманд оилалардан бўлган 126 нафар талаба хотин-қизларнинг 923 млн сўм контракт тўловлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан тўлаб берилди. 5 мингдан ортиқ хотин-қизга 7 йил муддатга 50 млрд сўм фоизсиз таълим кредитлари ажратилди. Гулистон давлат университетига 210 нафар магистратурада таълим олаётган хотин-қизларга 3 млрд сўм контракт тўловлари давлат бюджетидан қоплаб берилди.

Гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўйича 8 нафар мураббий ҳамда 6 та тарғибот гуруҳи шакллантирилди. "Гендер-мадад" электрон ҳуқуқий маслаҳат платформаси ҳамда унинг мобиль иловаси ишга туширилган. Уларга "Аёллар ҳуқуқий ҳимояси", "Гендер тенглик", "Аёлларга имтиёзлар", "Оилавий муносабатлар" ва "Оилавий зўравонлик" каби ҳуқуқий мавзуларга оид маълумотлар базаси жойлаштирилди ҳамда ҳуқуқий маслаҳатларни онлайн чат орқали бериш тизими йўлга қўйилган.

Албатта, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш лозим. Бу борада лойиҳага кўра, қабул қилинган қонун ва қонун ости ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Тизимли равишда ўқитиш, билим ва кўникмаларини бойитиб бориш орқали баркамол, оқила хотин-қизларни вояга етказишга эришилди.

Аёлларга заиф жинс вакиллари сифатида эмас, нозик ҳилкат деб қарашни ҳам ўрганишимиз зарур. Ана шунда улар орасидан олимлар, фан докторлари, маҳоратли инженер-технологлар, тенгсиз фермеру номдор тадбиркорлар кўпроқ этишиб чиқади.

## МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ РАҲБАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ



**Музаффар ТУРОПОВ,  
Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари:**

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят ташкилотлари фаоллари ҳамда партияимиздан сайланган халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари "Ўзбекистон – 2030" стратегияси лойиҳасини атрофлича ўрганиб, фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Маҳаллий Кенгашларнинг мақомини ошириш билан боғлиқ мақсадни тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз.

Хусусан, ҳокимларнинг маҳаллий Кенгашга **раҳбарлик қилиш амалиётини тўлиқ бекор қилиб**, Кенгаш раисининг **ҳуқуқий мақоми, асосий вазифа ва функциялари** ҳамда **жавобгарлик доирасини** аниқ белгилаш илгари сурилмоқда. Узоқ йиллар партия тизимида ишлаган, халқ депутатлари вилоят ва Қарши шаҳар Кенгашлари депутатлигини кўрган инсон сифатида бу жуда ҳам муҳим, деб ҳисоблайман.

Чунки Кенгаш раиси ҳамда ҳокимнинг вазифалари аниқ белгиланади. Вилоят ҳокими депутат бўлса, ўз фикрини билдириши мумкин. Туман ёки шаҳар ҳокими ҳам шундай. Лекин Кенгаш ишига ҳамда қарорларига аралашмайди. Шунга мувофиқ, аниқ мезонлар, функционал вазифалар белгиланади.

Ҳокимларнинг маҳаллий Кенгашларга раҳбарлик қилиш амалиётини 2024 йилдан вилоятларда ҳамда 2026 йилдан туман ва шаҳарларда бекор қилиниши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Сабаби, 2024-2025 йилларда халқ депутатлари вилоят Кенгашида тажриба тўпланади. Қашқадарё вилояти катта ҳудуд бўлгани сабабли ечимини қўлатган масалаларни умумлаштириш амалиёти яхши самара беради.

2024 йилдан бошлаб 5 та доимий асосда фаолият олиб борувчи профессионал депутат ишлаши ушбу амалиётнинг самарадорлигини таъминлайди. Сабаби, ҳозирда доимий комиссиялар раислари жамоатчилик асосида фаолият юретади. Уларнинг ўз асосий вазифалари бор.

Муҳими, **5 нафар доимий асосда ишловчи**

**депутат тажрибали ҳамда билимли бўлиши лозим.** Ҳозирда барча 59 нафар депутат жамоатчилик асосида фаолият олиб боради. Агар доимий ишловчи халқ вакиллари бўлса, сифатли масалалар доимий комиссиялар ҳамда сессияларга қиради. Ижро интизомини ҳам яхшиланади. Кенгаш қарорлари ижроси таъминланади. Режа асосида фаолият ташкил этилади. Бунинг учун иш тизимли бўлиши керак. Вилоят Кенгаши ҳамда туман(шаҳар) Кенгашларида ҳам доимий ишловчи депутатлар бўлиши лозим.

Шунингдек, лойиҳадаги 300 дан ортиқ маҳаллий Кенгашларнинг функцияларини қайта кўриб чиқиб, ўзига хос бўлмаганларини бекор қилиш ҳамда 500 дан ортиқ қонун ҳужжатларини тизимлаштириш таклифини қўллаб-қувватлайман. Лойиҳада эътибор қаратилган маҳаллий Кенгашлар фаолиятида жамоатчилик иштироки учун зарур шароитларни яратиш, фуқаролик жамияти институтларини кен жалб қилиш, уларнинг фаолиятини босқичма-босқич рақамлаштириш давр талабидир.

Мухтасар айтганда, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари самарали ишлаши учун белгиланган вазифалар ижро ҳокимиятини халқ олдидаги масъулиятсизликдан тийиб туришда, мамлакатимизда ижтимоий барқарорлик мустақам бўлишида, жамиятдаги бефарқликни йўқотишда катта демократик самара беришига ишонамиз.

**Саҳифани "Ўзбекистон овози" муҳбири  
Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА тайёрлади.**

# ВАЗМИН ЙИГИЛИШ

**15 август куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлисни очиб берган қўйи палата Спикери кириш сўзида мамлакатимиз ҳаётида юз бераётган сиёсий жараёнларга алоҳида тўхталиб ўтди. Парламент назоратини кучайтириш мақсадида ишчи гуруҳлар ташкил этилгани, улар ҳудудларда аниқ режа асосида фаолият юритиши, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорликни янада кучайтириш борасидаги вазифаларга алоҳида эътибор қаратди.**



Кун тартибда биринчи масала Маъмурий жавобгарлик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонунни кўриб чиқиш бўлди. Мазкур қонун жорий йилнинг 17 январь куни Қонунчилик палатасида маъқулланган ва 3 май куни Сенат томонидан тасдиқланган эди.

Қонун давлат раҳбарининг таклифига биноан 18 июль куни такомиллаштириш учун парламентга қайтарилган. Депутатлар қонунни иккинчи ўқишга қайтаришга ва қўмига бир ой вақт давомида қонунни такомилга етказишни маъқуллаб овоз беришди.

Қонунда халқаро тажриба кенг ўрганилган, кесиш тақиқланган дарахтлар кесилган тақдирда ўша жойга компенсация тарзида қайта экиш ва юридик шахсларга нисбатан маъмурий жарималар миқдорининг оширилиши каби бандлар ўрин олиши айтилди.

Шундан сўнг депутатлар ер

ресурсларидан самарали фойдаланишга қаратилган — **“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига деҳқон хўжалиги юритиш мақсадида бериладиган ерларнинг майдонини оширишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокамадан ўтказишди.

Қайд этилганидек, қонун лойиҳаси билан Ер кодекси ва “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонунининг тегишли моддаларига ўзгартиришлар киритилиб, деҳқон хўжалигини юритиш учун Қорақалпоғистон Республикасида **6 сотихдан 5 гектаргача** бўш турган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари ажратилиши белгиланмоқда.

Бунда фуқароларда чорвачилик маданиятининг ривожланганлиги, чорва молларини озуқа билан таъминлаш ва

ҳудуднинг аҳоли сонига мутаносиблиги ҳам инobatга олинган.

Депутатларнинг айтишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши Қорақалпоғистон Республикасида чорва озукиси экинларини етиштириш, деҳқон хўжалигига берилган ерларда махсулотлар ишлаб чиқариш учун қўшимча имконият яратди.

Қонунчилик палатасининг мажлисида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қурилиш соҳасига оид уларга хос бўлмаган айрим ваколатларини тугатишга қаратилган — **“Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги маъмурий тартиб-таомилларнинг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”**ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан **Шаҳарсозлик кодексидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туманлар (шаҳарлар) ижро этувчи ҳокимият органларининг** шаҳарсозлик фаолияти объектларини қуриш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ваколатини чиқариб ташлаш таклиф этилмоқда.

Дарҳақиқат, урбанизация шиддат билан ривожланмоқда. Шаҳарсозлик соҳасида амалга оширилаётган ҳар бир иш пухта режага эга ва чуқур таҳлил қилинган бўлиши керак. Сабаби, битта турар жой ёки нотурар жой биноси қад кўтариб, уни фойдаланишга топшириш жуда катта маблағ ва маълум вақт талаб қилади. Ваҳоланки, режасиз, пухта ўйланмаган ва давлат стандартларига жавоб бермайдиган бино ҳам ортиқча ноқулайлик ва овозгарчиликларни келтириб чиқаради. Бугунги кунда шаҳарсозлик масаласига эътиборли бўлиш давр талаби ҳисобланмоқда.

Депутатларнинг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши қурилиш соҳасидаги давлат хизматларини кўрсатишдаги муаммоларни ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги қарама-қаршиликлар, зиддиятлар ва ортиқча бюрократик тартиб-таомилларни ҳам бартараф этишга хизмат қилади.

Муҳокамадан давомида депутатлар қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари, таклифларини билдирди. Ҳужжатдаги айрим нормалар юзасидан турли саволлар ўртага ташланди ва уларга мутасаддилардан атрафлича жавоблар олинди.

Лойиҳани депутатлар биринчи ва иккинчи ўқишда маъқуллаб беришди.

Муҳокамадан ўтган ҳар қандай қонун лойиҳаси долзарблиги, муҳимлиги жиҳатидан бошқаларидан фарқланмайди. Уларнинг ҳар бири давлатчилик тизимидаги маълум бир соҳани тартибга тулади. Шунинг учун кун тартибдаги ҳар бир масалани атрафлича кўриб чиқиш талаб қилинади. Мажлис вазмин руҳда ўтди.

**Аҳмад ҚУРБОНОВ,**  
**“Ўзбекистон овози” муҳбири.**

## ҲАММА ДЕПУТАТЛАРГА ТЕГИШЛИ БЎЛМАГАН МУЛОҲАЗА

# ДЕПУТАТЛИК ФЕНОМЕНИ

ҚАДИМДАН ИНСОНЛАР БОШҚАРУВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН, МУНОСИБ ЯШАШ УЧУН КУРАШИБ КЕЛГАН. ОДАМЛАР ҲОКИМИЯТ “БИР ҲОВУЧ” ШАХСЛАР ҚЎЛИДА ҚОЛГАНДА ЖАМИЯТДА СОҒЛОМ МУҲИТ, ТЕНГ ҲУҚУҚ ВА ИМКОНИЯТЛАР КАФОЛАТЛАНМАСЛИГИНИ БИР НЕЧА МИНГ ЙИЛЛАР ОЛДИН АНГЛАБ ЕТИШГАН. ШУНИНГ УЧУН АНТИК ДАВР ЮНОНИСТОНИ ВА РИМ ИМПЕРИЯСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА, ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШДА ХАЛҚНИНГ НОМИДАН ГАПИРАДИГАН ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ БЎЛГАНИ ТАРИХДАН МАЪЛУМ. БУГУН БИЗ ЯШАЁТГАН ЖАМИЯТ АХБОРОТ АСРИ ҲОСИЛАСИДИР. ЕР ЮЗИНИНГ ҚАЙСИ БУРЧАГИДА НИМА ВОҚЕА-ҲОДИСА БЎЛАЁТГАНИ, ҚАНДАЙ ЖАРАЁН КЕЧАЁТГАНИДАН ХАБАРДОР БЎЛИШ МУШКУЛОТ ЭМАС. БИР СЎЗ БИЛАН АЙТГАНДА, БИЗ ЯШАЁТГАН ДУНЁДА ИНСОННИ ТААЖЖУБГА СОЛИШ ОСОН БЎЛМАЙ ҚОЛДИ. НАТИЖАДА ВАҚТ ЎТГАНИ САРИ ИНСОН ҲАЁТИДАГИ КЎП НАРСА ЎЗ АҲАМИЯТИНИ ЙЎҚОТДИ ЁКИ ЎРНИНИ БОШҚАСИ ЭГАЛЛАДИ.

**Лекин вақт мурватлари айлангани сари дунёнинг барча нуқталарида вакиллик органлари ўзининг аҳамиятини, долзарблигини мустаҳкамлаб келмоқда. Бунга сабаб балки унинг ҳокимиятга таъсир қилувчи, кўп минг сонли фуқаролар хоҳиш-иродасини юзга чиқаришнинг ягона тўғри восита, энг демократик йўл эканидир.**

Вакиллик ҳокимиятининг асосини кўпчилик танлаган, ажратиб кўрсатган вакиллар, яъни депутатлар ташкил этади. Депутат мамлакатда бошқарув даражасининг, халқ ижтимоий-сиёсий турмуш маданиятининг ўзига хос индикатори, намоёниси ва ифодачиси. Шу маънода Ер юзида ҳаёт қанча давом этмасин депутатлик институти феноменал институт бўлиб мангу қолади.

Ўзбекистон бугунги дунёнинг ажралмас бир бўлаги, ҳар қадамда

ислохотлар уфуриб турганини бутун дунё қайд этаётган демократик-ҳуқуқий давлат экани ҳаммаизга маълум. Ислохотлар ва имкониятлар кўлами кенг, бу янгиланган Конституциямизда ҳам мустаҳкамланган. Жумладан, янги таҳрирдаги Конституцияда парламентни ислох қилишга, унинг мамлакат ҳаётидаги мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрлар ўрин олган.

Парламент халқнинг манфаатларини ҳокимиятнинг иродаси билан мувофиқлаштирувчи, таъбир жоиз бўлса, ягона мақсад йўлида уларни жипслаштириб турувчи даргоҳдир. Бизда ҳам шундай.

Ҳеч кимга сир эмас, деярли бутун дунё парламентлари тажрибасидан маълумки, қўйи палатанинг ваколатлари бироз устувор саналади. Бизда қўйи палата ҳисобланган Қонунчилик палатаси 150 нафар депутатдан иборат. Депутат сўзи лотин-

чадан таржима қилинганда “вакил”, деган маънони англатади. Қанчалик залворли ва пурмаъно сўз-а?

Энди масаланинг бошқа томонига назар соламиз. Бу бизга депутат мақомининг юқини яхшироқ ҳис қилишимизга ёрдам беради. Юртимиз аҳолиси 36 миллиондан ортиқ. Шундан деярли 19 миллиондан ортиғи сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга. Энди тасаввур қилинг, қўйи палатадаги бир нафар депутат деярли ҳар 130 мингдан ортиқ сайловчининг вакили саналади. Агар бошқачасига айтадиган бўлсак, сайлов ёшига етмаган ва маълум сабабга кўра сайлаш ҳуқуқидан маҳрум бўлган фуқаролар билан қўшиб ҳисобласак, қарийб 240 минг фуқарога битта депутат тўғри келади. Сайлов ёшига етмаган ва сайлаш ҳуқуқидан маҳрум бўлган фуқароларнинг ҳам ўзига яраша ҳуқуқ ва манфаатлари бор. Катта рақамлар. Тўғрими?

Ўйлаб қоласан, киши. 240 минг одамнинг номидан гапириш ва уларнинг манфаатларини собит туриб ҳимоя қилиш учун инсонда қандай хислатлар бўлиши керак экан?

**Депутат шахси қандай бўлиши кераклиги ҳақида халқаро стандартлар йўқ. Лекин юз минглаб инсонларнинг номидан гапирадиган шахс камида виждони олдида ҳисобдор, теран фикрли ва юксак назар бўлиши керак, албатта.**

Депутат ҳеч қачон сайловчиларнинг назарида масаланинг моҳиятига етмаган, йиғилиш тезроқ туғанини кутаётган, уйқуси келаётган, чарчган ёки шунга ўхшаш сайловчиларнинг ишончсизлигига сабаб бўладиган ҳолатларга тушмаслиги керак. Бир сўз билан айтганда, депутат бошқалар учун намуна бўлишга маънавий мажбур. **Фақат катта мавзу ва масалалар билан банд бўлиши, майда ташвишларга ўралашиб юрмаслиги учун уларга қулай шароит кафолатланган. Бу давлатчиликнинг ўзига хос**

**халқаро стандарти даражасига чиққан.**

Фикримни далиллайман. Масалан, давлат ҳар бир депутатни, агар у ҳудуддан келган бўлса, турар жой билан таъминлайди, транспорт, таълим, тиббий ёрдам билан боғлиқ харажатлардан озод қилади. Бу имтиёзлар 5 йилга амал қилади. Ривожланган давлатларда бундан ҳам кўпроқ имкониятлар яратилган, бизда ҳам ўша даражага етиб борилади, албатта. **Имкониятларга, масъулиятга муносиб бўлиб фаолият кўрсатиш – энг муҳим масала.**

Депутат ўз вазифасини сидақидилдан бажариши, ўзига берилган ишончини оқлаши учун бор кучини сафарбар қилиши аввало инсонийлик бурчидир.

Янги Ўзбекистонни бунёд этиш, муаммоларни мулоқот ва жасоратли меҳнат билан ҳал этиш талаб этилаётган зориги кунда депутат халқ вакили, деган юксак номга муносиб бўлиши учун унинг яхши инсон эканлиги камли қиладигандек. У дунёраши кенг, фикри теран, қарорлари қатъий, ақли ва виждони доим уйғоқ юрадиган, принципларга эга бўлиши керакдир, балки. Сабаби, халқимиз истаётган зўр ҳаётга машаққатсиз, непрофессионал, энгил-елпи ёндашувлар билан етиб бўлмайди.

Биламизки, депутатлар турли соҳа вакилларидан иборат бўлади. Яъни, улар ўз мутахассислиги бўйича етук мутахассис, катта ҳаётий тажрибага эга, халқнинг назарига тушган инсонлар бўлади. Тўғри, улар депутатликка сайланганидан кейин парламент фаолиятига адаптация бўлиши учун маълум бир вақт керак бўлади. **Депутатлик ҳар кунги ўз устида ишлашни, бошқалардан кўпроқ ўқиб-ўрганишни, зарур бўлса, ўзини қийнашни тақозо қиладиган фаолият.**

5 йиллик депутатлиги давомида “мен жамоатчилик олдида гапиролмайман”, “мен бу соҳани тушунмайман”, деган баҳоналар билан юриш,

муҳокама этилаётган қонун лойиҳалари ва масалаларнинг моҳиятини тушунмасдан, **ҳаёт зиммасига юклатган вазифаларни тушунишга ҳаракат ҳам қилмасдан, кун ўтказиш, мамлакат ва халқ равнақи билан боғлиқ муҳим мавзуларда икки оғиз фикр айтолмаслик, тўрт қатор гапни эга-кесимини келиштириб ёзиб бера олмаслик – парламент вакили учун ҳақиқий фожеа.** Инсон, шахс сифатида ожизлик, маънавий инқироздан бошқа нарса эмас, эҳтимол.

Баъзан тадбирларда хурмат талаб қилиш, биринчи қатордан жой олишни хоҳлаш, ўзини оқсаяқлардек, коммуналка эришган одамдек туттиш халқ вакилига ярашмайди. Зеро, ўша машҳур мультфильмда қўйирилганидек, **хурмат талаб қилиб олинмайди.** Ҳамма даврада олд қаторга ўтириб олган билан ақл кўпайиб, хурмат ошиб қолмайди. Лекин мунтазам олд қаторга даввогарлик қилиш ким аслида ким эканини кўрсатиб қўйиши мумкин. Бўлди-бўлмадига иззатталаблик одамнинг ахлоқи сустилиги, руҳий қашшоқлиги, “тарвузи ёрилмаган”ини билдирадиган белгилардир.

Ўзбекистон халқи тарихан оғир йўллар, қийин синовлардан ўтиб келмоқда. Ҳали яна қанча довлардан ўтишга тўғри келади. Дунёга кимлигимизни кўрсатишга, ўз сўзимизни айтишга ҳаракат қиладиган халқимиз. Кейинги йиллардаги реал ўзгаришлар халқимиз кўзлаган, орзу қилган манзилни гавдалантирмоқда. Бу одамларда келажакка ишонч, эртасига умид бермоқда.

Юксак тараққиётга элтувчи йўлнинг бошларида турибмиз. Бу йўлни босиб ўтиш ҳар кимдан доим ўз устида ишлашни, фидокорлик ва қаттиқ меҳнатни талаб қилади. Барча вакилларга шундай шараф, депутатликдек феномен институтга муносиблик ҳар доим ёр бўлсин!

**Аҳмад Раҳим ўғли.**

## HUQUQIY MASLAHAT

## КИМЛАРГА СУБСИДИЯ АЖРАТИЛАДИ?

ЭХТИЁЖМАНД, ИШСИЗ ФУҚАРОЛАРНИ Қўллаб-қувватлаш бўйича кўп имкониятлар яратилган. Шулар ортидан қанча одам турмушини, ҳаётини изга солиб оляпти. Лекин...

БАЪЗИДА ТУШУНМАСЛИКДАН ЭЪТИРОЗЛИ МУРОЖААТ ВА САВОЛЛАР ҲАМ Бўлиб туради. Мисол учун, маҳаллаларда ҳоким ёрдамчилари фақатгина «ТЕМИР ДАФТАР», «АЁЛЛАР ДАФТАРИ» ВА «ЁШЛАР ДАФТАРИ»ГА КИРИТИЛГАН ФУҚАРОЛАРГА СУБСИДИЯ ОЛИШИ УЧУН ТАВСИЯНОМА БЕРЯПТИ, ДЕГАН ГАПЛАР Йўқ ЭМАС.

Шундайми? МУХБИРИМИЗ МАВЗУГА ОИД САВОЛЛАР БИЛАН КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ МАҲАЛЛАБАЙ ИШЛАШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ БОШҚАРМА БОШЛИГИ АЗИМ НИЗАМОВГА МУРОЖААТ ҚИЛДИ.

– Бугунги кунда маҳаллада ҳоким ёрдамчилари фақатгина дафтарларда рўйхатга олинган оилаларга субсидия олиши учун тавсиянома бераётган экан. Маҳаллаларда яшовчи ишсиз фуқаролар бандликка кўмаклашиш марказидан иш сўраб, ишсиз фуқаролар базасидан рўйхатдан ўтгач, субсидия ажратилиши учун «online-mahalla.uz» платформаси орқали онлайн муурожаат қилса, муурожаатлари скорингда рад этилмоқда. Фақатгина «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»да турган фуқароларгина скорингдан ижобий ўтиб, уларга субсидия ажратиш бўйича тавсия бериляпти экан. Шу ростми?

– Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 11 майдаги 252-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёти ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (бугунги кунда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги) ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратиш тартиби тўғрисида»ги низомга мувофиқ, Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси (кейинги ўринларда – жамғарма) маблағлари ҳисобидан субсидиялар кўйидаги мақсадлар учун ажратилади.

## ЁШ СИЁСАТЧИ МИНБАРИ

## ТРАНСФОРМАЦИЯ ЗАРУРАТИ

Жамият ҳаётида иштирок этиш учун фақат у ёки бу жамоат ташкилотлари ҳақида маълумотга эга бўлишнинг ўзи етарли эмас. Сабаби, ҳар бир сиёсий партия, шу билан бирга, барча жамоат ташкилотлари (бирлашмалари), нодавлат нотижорат ташкилотлар жамиятда ўз ўрнига эга.

Агар бирор-бир сиёсий партияга ишончсизлик ортса, бу бутун тизимнинг самардорлигига таъсир қилади. Вужудга келган камчилик ёки муаммо бирмунча вақт юмшатилиши мумкин, ammo буни доимий ва узок муддат амалга ошириб бўлмайди.

Мафқуравий ғояларнинг идеаллаштирилган, аниқ ва тизимли модели мавжуд бўлмаса-да, жамият интеллектуал рағбатлантиришдан кўра ижтимоий-маиший эътибордан кўпроқ руҳланади.

Инсонларга кўпинча уларнинг фикрлари эшитилаётгани ва қадрланаётганини ҳис қилиш ёқади. Аксинча ҳолат ўртадаги боғлиқликка ишончсизлик киришига сабаб бўлади.

Сиёсий партиялар ёшлар жамиятида бирламчи босқичда инқирозни, яъни ёшларнинг маълум қисми ишончсизлигини бошдан кечирди. Энди унинг муолажаси учун бош қотиришмода.

Бир нарсани айтиш, лекин бошқасини қилиш ёки умуман ҳеч нарса қилмаслик орқали ҳеч қачон тизим яратилмайди. Сиёсий партиялар ёки халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари эмас, балки инсонлар ҳаракат қилиши муҳим.

Бошқарувда идора эмас, балки бошқарув аъзолари қарор қабул қилади. Шундай экан, сиёсий партияларни қўллаб-қувватловчи қатламнинг, яъни ўз электоратининг фикр ва қарашлари сиёсий партия минбарларидан янграши лозим.

Бугун янгича қарашлар ҳамда инсонлар ўз фикрларини ифодалаш учун янги майдонлар юзага келди. Соддароқ айтганда, онлайн жамият ҳам юзага келди. Қизиқ ҳолатки, ижтимоий тармоқларда 20000 кузатувчиси ёки аъзоси бор блогерни оммабоплик нуқтаи назардан партиянинг маълум маънода рақобатчиси, деб билиш мумкин.

Жамиятни ижрочилар эмас, балки воқеликни тўлиқ идрок этиб, ўзини субъект сифатида тута оладиган ва жамият манфаатлари йўлида хизмат қилишни хоҳлайдиган ижодкор инсон, сиёсий вакиллар тараққийта етаклайди.

Назаримда, сиёсий партиялар инсонлар ҳаётининг ҳар бир босқичидаги жараёнларга раҳбарлик қилиши эмас, балки кўмакчи бўлиши, инсонларни бошқариши эмас, мулоқот ўрнатилиши керак.

Биринчи навбатда, сиёсий партиялар ўзини ўнглаб олишга ҳаракат қилиши лозим, иккинчидан, қонунларни қабул қилишда мазмунли, тўлиқ анланган, виждонан ва масъулият билан иштирок этиш учун барча имкониятларни ишга солиш муҳим.

Фикримча, сиёсатнинг мақсади ҳеч қачон қийматидан ошмаслиги учун доимо ҳаракат ва изланишда бўлиш керак.

**Шохрух ЎКТАМОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси  
ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси.



Жумладан, агентликнинг ҳудудий бошқармаси, етказиб берувчи ташкилотлар ва томорқа ер эгалари ўртасида тузилган уч томонлама шартномалар асосида, яъни енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваригача миқдорида, сўғориш воситалари харид қилиш учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача миқдорида, уруғликлар ва кўчатлар сотиб олиш учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 бараваригача миқдорида, ишсиз фуқаролар, кам таъминланган оилалар аъзолари ва ташқи меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларга уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида ташкил этиладиган қишлоқ хўжалиги кооперативлари устав фондига улуш сифатида киритиш учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача миқдорида маблағлар ажратилади.

2022 йил 1 апрелдан бошлаб 2025 йил 1 январга қадар жисмоний шахсларнинг аҳоли хонадонларида балиқ етиштириш йўналиши бўйича ўқув курсларида ўқиш харажатларини қоплаш учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 бараваридан ошмаган миқдорда бир марталик тўлови ҳамда тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсиз, шу жумладан, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқароларга фао-

лиятини бошлаш учун керак бўлган асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини харид қилиш учун – 7 миллион сўмгача, хотин-қизларга 10 миллион сўмгача маблағи тўлаб берилади.

Бундан ташқари, касб-ҳунарга ўқитиш марказларининг ўқув хоналарида ўқитиш қийин бўлган кўйидаги касб йўналишларида «ўста-шоғирд» аънавлари асосида хунар ўрганмоқчи бўлган ёшларга ёки хунар ўргатаётган (ёки ўргатмоқчи бўлган) усталарга шоғирдлар тайёрлаш ёки шоғирдларни иш ҳақи билан таъминлаш учун – уч ой мобайнида ҳар бир шоғирдга (бирок, шоғирдлар сони беш нафардан ошмаган ҳолда) ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваригача миқдорида субсидия ажратилади.

Кўриниб турибдики, эҳтиёжманд аҳолининг турли қатламига субсидия ажратиш келинмоқда.

Юқоридаги низомнинг 3-бобида Жамғарма маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратиш тартиби белгиланган бўлиб, субсидиялар белгиланган тартибга асосан фуқаро субсидия ажратиш бўйича тавсия бериши сўраб ўзининг доимий яшаш манзилидаги ҳоким ёрдамчисига ёки «Онлайн маҳалла» электрон платформа орқали ариза билан муурожаат қилиши орқали амалга оширилади.

**Тоттемир ХУДОЙҚУЛОВ**  
тайёрлади.



**САВОЛ: Ўғлим 17 ёшда, хорижга сафарга кетмоқчиман, вақтинча автомашинани ўғлимга ишончнома билан беришим мумкинми?**

А.Турсунов,  
Фаргона вилояти Олтиариқ туманидан.



**ЖАВОБ:** Транспорт эгасининг яқин қариндошлари (ота-она, эр (хотин), болалар, ака-укалар, опа-сингиллар) мазкур транспорт воситасидан фойдаланиши ва бошқаришида ишончнома талаб этилмайди.

Бунинг учун транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сўғурта қилиш бўйича сўғурта полисида мазкур яқин қариндошлар кўрсатилган бўлиши лозим.

Бирок Сиз аини вазиятда ўғлингизга ишончнома бера олмайсиз. Чунки у ҳали 18 ёшга тўлмаган. Қонунчиликка кўра, 18 ёшга тўлган шахсларга автотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи берилади.

\*\*\*

**САВОЛ: Алимент ва моддий ёрдам оламан. Эримнинг ойлиги яхши. Бироқ алимент жуда кам тушади. Бунни текширтириш учун кимга муурожаат қилиш керак?**

Н. Аҳмедова,  
Самарқанд шаҳридан.



**ЖАВОБ:** Оила кодексига мувофиқ, алимент суд томонидан белгиланганда алимент тўловчининг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг:

- бир болага – тўртдан бир қисми;
- икки болага – учдан бир қисми;
- уч ва ундан ортиқ болага – ярмиси миқдорида ундирилади.

Ҳар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 26,5 фоизи (ҳозирги кунда 259 700 сўм)дан кам бўлмаслиги керак.

Давлат ижрочиси алимент бўйича пул маблағларининг қарздорнинг иш ҳақидан тўғри ушлаб қолиниши ва ўз вақтида ўтказилиши юзасидан ундирувчининг аризасига кўра ёки ўз ташаббуси билан текшириш ўтказиши мумкин.

Шу сабабли, Сиз алимент пуллари тўғри ушлаб қолинаётганлигини текшириш учун давлат ижрочисига муурожаат қилишга ҳақлисиз.

Қарздорнинг даромадлари ва мулкый аҳоли ҳақида нотўғри маълумотлар берганлик ёки қарздор ўзининг иш жойи ва бошқа даромадлар олиш жойи ҳақида маълум қилмаганлиги жавобгарликка тортишга асос бўлади.

\*\*\*

**САВОЛ: Турмуш ўртоғим туғуруқхонада ишлайди, олий маълумотли. 3 ёшга тўлмаган фарзандимиз бор. Шундай бўлишига қарамасдан, тунги навбатчиликда ишлаб келмоқда. Қонуан бу тўғрими? Турмуш ўртоғимга қандай имтиёзлар бор?**

Р.Арслонов,  
Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманидан.

**ЖАВОБ:** Меҳнат кодексига кўра, ҳомиладор аёллар, 14 ёшга тўлмаган боланинг (16 ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган боланинг) ота-онасидан бири (ота-онасининг ўрнини босувчи шахс) фақат ўз ёзма розилиги билан тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ва ишланмайдиган байрам кунларидаги ишларга жалб қилиниши, шунингдек, хизмат сафарига юборилиши мумкин.

Бунда иш берувчи мазкур ходимларни тунги ишлардан, иш вақтидан ташқари ишлардан, дам олиш кунларидаги ва ишланмайдиган байрам кунларидаги ишлардан ёки хизмат сафаридан воз кечиш борасидаги ҳуқуқи тўғрисида хабардор қилиши шарт.

Ҳомиладор аёлларни ва 3 ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни тунги ишларга жалб қилишга бундай иш ҳомиладор аёлнинг ҳамда боланинг ҳаётига ва соғлиғига ҳавф туғдирмаслигини тасдиқловчи тиббий ҳулоса мавжуд бўлган тақдирдагина йўл қўйилади.



## ҚУРИЛИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИ КУНИ НИШОНЛАНДИ

**Август ойининг иккинчи яшанбаси юртимизда Қурилиш соҳаси ходимлари кунини сифатида кенг нишонланади. Ушбу сана муносабати билан пойтахтимиздаги Халқаро форумлар саройида тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг барча ҳудудларидан соҳа вакиллари иштирок этди.**

Таъкидлаш керакки, 2021-2025 йилларда қурилиш тармогини модернизация қилиш ва инновацион ривожлантириш бўйича стратегия ва йўл харитаси тасдиқланиб, ўтган олти йил давомида шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари бўйича жами 1 370 та шаҳарсозлик ҳужжатлари, шу жумладан, 202 та шаҳар ва шаҳарчаларнинг бош режаси ва 1 минг 168 та қишлоқ маҳалла фуқаролар йиғинининг бош режаси лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Мисол учун, республикамиз бўйича жами қурилиш ишларининг қиймати 2016 йилда 30 триллион сўмни ташкил этган бўлса, 2022 йилга келиб эса бу кўрсаткич 131 триллион, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида эса 68 триллион сўмни ташкил этган. Бир сўз билан айтганда, 2023 йилда ҳам уй-жойлар қурилишини жадал давом эттириб, "Янги Ўзбекистон" массивларида ва уй-жой-

га талаб юқори бўлган ҳудудларда 90 мингта хонадонли уй-жойлар қурилиши режалаштирилган.

Шунингдек, жорий йилнинг март ойида Чирчиқ ва Қорасув дарёлари оралиғида дунёдаги энг илғор ақлли технологиялар асосида барпо этилаётган Янги Тошкент қурилишига тамал тоши қўйилди. Ушбу лойиҳа доирасида 20 минг гектарда 1 миллион аҳоли яшаши учун қўлай шароит яратилади ва шунга мос инфратузилма билан таъминланади.

"Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастури доирасида жами 1 минг 944 та аҳоли оғир маҳалланинг бош режа схемалари тайёрланди. Замоनावий нормалар ва технологияларни татбиқ қилиш мақсадида илғор хорижий давлатлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Хусусан, сейсмик ва зилзилага оид норматив ҳужжатлар бўйича Япония, ёнғин хавфсизлигига оид норматив ҳужжатлар бўйича АҚШ, қурилиш нормаларини геология, табиий-иклим ҳамда сейсмик хусусиятларни инобатга олган ҳолда хорижий нормалар билан уйғунлаштириш бўйича жанубий корейлик эксперт-консультантлар жалб этилган.

Лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш жараёни шаффоф электрон тизимга ўтказилди. Ҳозир мазкур ишлар вазирилик

ҳузуридаги "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" маркази томонидан амалга оширилиб келинмоқда. Экспертиза органларига қоғоз ҳужжатлар тўпламини тақдим этиш амалиётидан тўлиқ воз кечилди. Экспертизага лойиҳа-смета ҳужжатлари он-лайн топширилмоқда.

Бугунги кунда электрон рейтинг платформасида қурилиш-пудрат ва лойиҳа ташкилотлари рейтинг тегишли давлат органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилинган. Шу орқали уларнинг маълумотлари ҳамда соҳадаги рейтинг шакллантирилади. Ҳозирги кунда ушбу рейтингга 19 мингдан ортиқ қурилиш-пудрат ташкилотлари киритилган. Лойиҳа ташкилотлари рейтинг тизимига эса жами 1 минг 900 дан ортиқ лойиҳа ташкилотлари киритилган.

Хулоса ўрнида яна шунини айтиш мумкинки, юқорида тилга олинган кўрсаткич ва мисоллар соҳа вакилларининг замон билан ҳамнафас ҳолда фаолият олиб бораётганидан далолат бермоқда.

Байрам тадбирида қурилиш соҳаси ходимлари учун таниқли хонандалар ва сўз усталари иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**  
**"Ўзбекистон овози" мухбири.**

## УМИД ВА ИШОНЧ БИЛАН ЯШАГАН ИЖОДКОР

**ЯҚИНДА "ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"НИНГ 105 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАГАН ТАДБИРДА ҚАТНАШИБ, КўП ХОТИРАЛАР, КўП ИНСОНЛАР ЁДИМГА ТУШДИ. ДАВРАДА ТАХРИРИЯТГА ТУРЛИ ЙИЛЛАРДА РАҲБАРЛИК ҚИЛГАН ЗАБАРДАСТ ИЖОДКОРЛАР ҚАТОРИ ҚАЛАМИ ЗАНГЛАМАС, ҲОЗИРЖАВОБ ЖУРНАЛИСТ, ПУБЛИЦИСТ САФАР ОСТОНОВНИ ҲАМ ҲУРМАТ БИЛАН ТИЛГА ОЛИНИШИ ТАБИИЙ ЭДИ.**

**БУ ИНСОН МАЗКУР НАШРНИ 2002-2021 ЙИЛЛАР ДАВОМИДА САМАРАЛИ БОШҚАРГАНИНИ ҲЕЧ КИМ ИНКОР ЭТА ОЛМАЙДИ.**

Бош муҳаррирнинг вақти зик, газетанинг ҳар бир сонини тайёрлаш ва чоп этиришига иш вақти етмаслигига қарамасдан, партия тадбирларида иштирок этиб, фаоллар ва уларнинг фикр-мулоҳазалари билан бевосита танишди. Шу билан бирга, партия ва фракция, Марказий Кенгаш бўлимлари билан алоқаларни мустақамлаш йўлини тутди. Биргаликда газета масъул ходимлари ва ўз мухбирлари ўқувларини ташкил этди, обунага эътиборни кучайтирди.

Умумий ишнинг асосий оғирлигини ўзинга олиш оdatи борлигидан эрталабдан ярим тунгача, шу жумладан, яшанба кунлари ҳам энг шимариб меҳнат қилди. Тахририятда бир неча йил С.Остонов билан ёнма-ён меҳнат қилган истеъдодли журналист, ҳозирда "AgroBiznesInfo" журнали бош муҳаррири бўлиб ишлаётган Маҳмудхон Тоировнинг гувоҳлик беришича, "Сафар ака газеталар тайёр бўлиб, саҳифаланиб бўлмагунча уйга кетмас эдилар... Рус тилида чоп этиладиган мақолаларни ҳам ўзлари бирма-бир, эринмасдан ўқиб чиқар эдилар".

Хизмат вазифаларига бундай ёндошиш бош муҳаррирдан долзарб мавзуларни ёритишга партиявий нуқтаи назардан келиб чиқиш, жуда кўп вақт ва қаттиқ меҳнат қилишни талаб этса-да, Сафар Остоновни чўчитмади. Чунки ЎзХДПнинг дастурий голялари, ижтимоий сиёсати ва миллий мустақиллиқни мустақамлаш мақсадидаги йўл ва амаллари унга жуда яқин эди.

Унинг бутун ижодий фаолияти партиянинг дастурий мақсадларига уйғун эди, десак муболаға бўлмайди.

"Умид билан яшагин" ва унинг давоми бўлмиш "Муҳаббат ва садоқат қўшиғи" очеркларига афғон урушида оёқлари ва бир қўлидан ажралган бухоролик ўзбек йигит – Нурёғдиннинг тақдири, Сулувхоннинг унга муҳаббати ва садоқати тўғрисида ҳикоя қилинган бўлса, "Топталган тақдирлар", "Очиқ хат", "Очиқ хатга очиқ жавоб" суд очеркларидан ҳамда "Прокурор Гайданов ва 700 минг АҚШ долларини", "Уни отувга ҳукм қилишмоқчийди", "Ҳукми тарих чиқаради" номли ва бошқа мақолаларида С.Остонов тазйик ва таъқиблар, дўқ-пўписа ва таҳдидларга қарамасдан собик марказ томонидан


қайта қуриш йилларида, "пахта иши" ва "Ўзбеклар иши" ниқоби остида уюштирилган оммавий қатагон қурбонларининг тақдири, гдьянчи жаллодлар томонидан минглаб бегуноҳ фуқаролар ва уларнинг оила аъзолари, бола-чақаларининг ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилинганлиги тўғрисида ёзди. Бундай қонунбузарликларга чек қўйилмаган кунлар албатта келишига қатъий ишонч билан кетма-кет мақолалар эълон қилди.

"Ўзбекистон овози" ва "Голос Узбекистана" газеталарининг тақдири унга топширилгандан кейин унинг ушбу жабҳаларда фаолият кўрсатиши учун имкониятлар кўпайиб, масъулият ошди. Шу боисдан у бу ўта муҳим ишлар билан умрининг охиригача шуғулланди. Албатта, бу биргина бош муҳаррирнинг иши эмаслигини тушунган ҳолда, ижодкорлардан тортиб техник ходимларгача бутун жамоани унга сафарбар эта олди.

Бугина эмас, газета фаолиятига кўплаб фаолларни жалб этишга ҳаракат қилди. Улардан бири Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли шоир Абдулла Орипов эди. Унинг янги шеърларини чоп этиб, куч олиб, доим қўллаб-қувватлаб турди.

Сафар Остонов тахририят юмушлари, депутатлик вазифалари, партия Марказий Кенгашининг топшириқларини бажариш билан бир қаторда ўз оиласи, бола-чақаси билан шуғулланишни ҳам унутмас эди. Умр йўлдоши Жамилахоннинг ёзишича, С.Остонов "Фарзандлари, невараларига жуда меҳрибон эди, уларнинг тарбиясига, ўқишига эътибор қаратарди. Бўш пайтларида болаларнинг ўқишлари, орзу-умидлари билан қизиқарди, улар билан турли мавзуларда суҳбатлашарди, бахслашарди. Талабчан, кези келганда қаттиққўл ҳам эди. Уларни ҳар қандай масалада қўллаб-қувватлар эди. Ҳар бирига маслаҳат берарди, тўғри йўл кўрсатарди".

Маҳмудхон Тоировнинг эслашича, "Сафар ака газеталар билан боғлиқ ишлардан бўшаган қисқа вақтларда кўрган-кечирганларини қизиқарли, ибратомуз воқеаларни айтиб беришни яхши кўрар эдилар. Шунинг учун улар билан бўлган одам ҳеч қачон зериқмас, вақт қандай ўтганини сезмай қолар эди".



С.Остонов тахририятнинг янги ходимлари, ёш қаламкашлар, университетда таҳсил олган талабаларга ҳам очиқ муносабатда эди, уларга кўмаклашиб, камчиликларини тузатиб, ютуқларини қўллаб-қувватлашни ўзининг бурчи, деб ҳисобларди. Шу боис қўллаб-қувватлаш уни устоз, деб ҳурмат қилардилар.

"Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси бош муҳаррири А.Аҳмедов бу фикрини тасдиқлайди: "Сафар ака тенгқурларига садоқатли дўст, ёшларга беминнат, ҳалол устоз, ака эди".

Унинг яна бир ҳамкасби, "Голос Узбекистана" газетаси бўйича ўринбосари бўлган истеъдодли журналист Т.Кистанова миннатдорлик билан "Шундай жиддий нашр бош муҳаррирининг ўринбосари бўлиб, донгдор журналист раҳбарлигида ишлаш менинг учун ҳақиқий мактаб бўлди", дейди.

Сафар Остоновнинг кимлиги тўғрисида кўпроқ билмоқчи бўлсангиз, "Умид билан яшагин" номли китобни (Тошкент, "Akademnashr", 2023) мутлоа қилишни маслаҳат берамиз. Унда унинг сара асарлари ҳам, у ҳақидаги мақола ва хотиралар ҳам жой олган.

Мен ана шундай некбин, умид билан яшаган ва муқаддас юртимизнинг порлоқ истиқболга ҳеч иккиланмай ишонган, Ватан равнақига муносиб ҳисса қўшган фидойий инсонни билганим, озми-кўпми ҳамкорлик қилганим билан фахрланаман.

**Собир ҚУРБОНОВ,**  
**Ўзбекистон ХДП Фахрийлар кенгаши аъзоси, фахрий журналист, тарих фанлари номзоди, доцент.**

## ХОРАЗМ ҚОВУНЛАРИ ЕТТИ ИҚЛИМГА МАШҲУР ВА МАЪЛУМ

**Кўҳна заминда қовун етиштиришда донг таратган мамлакатимиз миришкорлари қадимий ва навқирон Хива шаҳрида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилган фестивалда жам бўлди.**

Олдинги йилларда ушбу фестивалда фақат воҳа миришкорлари учрашиб ўзаро тажриба алмашган бўлса, бу галги тадбирда республикамизнинг барча ҳудудларидан фермер ва деҳқонлар иштирок этди. Ўз ишининг мохир ва билимдон бободехқонларнинг қишин-ёзин қилган машаққатли меҳнатининг самараси мана шу тўқин-сочинликда намоён бўлди.

– Биз ўзимизга ажратилган павильонни энг ширин маҳсулотларимиз билан безадик, – дейди сурхондарёлик деҳқон Ҳамза Бозоров. – Вилоятимизда етиштирилган ўн икки турдаги қовунлардан олиб келдик. Миришкорлар яқиндан танишиб тажриба алмашдик.

Дарҳақиқат, қовун сайлининг барча тадбирлари хорижий ва маҳаллий сайёҳлар билан гавжум бўлди. Юқори даражада ташкил этилган фестиваль уларга ҳам унутилмас оғилар, бой таассуротлар туғдирди.

– Биз рафиқам билан Франциядан келдик, – дейди Винсент Гиособи. – Ўзбекистонга биринчи мартаба келишимиз. Мамлакатнинг гўзал шаҳарларида бўлдик. Тарихий обидалар билан танишдик. Икки кун олдин юртимизга қайтишимиз лозим эди. Бироқ, фестивалда иштирок этиш мақсадида қолдик. Ушбу фестивални кузатиб, Ўзбекистонда етиштирилган, айниқса, Гурвак ва Бўри калла қовунларининг шираси оғзимда қолди. Энди вақт топиб ушбу фестивалга ҳар йили келаман. Сайлда деҳқонлар Хоразмнинг Ширин печак, Гурвак, Қари қиз, Жийда япроқ, Бўри калла, Оқ новвот каби юздан ортиқ навларини намойиш қилди.

"Ичанқалъа" давлат музей кўриқхонаси Полвон дарвозаси олдидаги майдонда анъанавий "Қовун сайли" республика фестивалининг тақдирлаш ва ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Хоразм вилояти ҳокими Жўрабек Раҳимов ҳамда маданият вазири Озодбек Назарбеков фестиваль иштирокчиларини табриқлаб, Хоразм қовунларининг доврўғини қайта тиклаш борасида олиб борилаётган ишларга тўхтади.

Ҳақамлар ҳайъати қарорига кўра, Хива шаҳри фестивалнинг олий ўрин соҳиби деб топилиб "Жентра" енгил автомашинаси билан тақдирланди. Биринчи ўринни эгаллаган Қўшқўпир туманига "Нексия-3", иккинчи ўрин эгаси Тошкент вилоятига "Спарк", учинчи ўринни қўлга киритган Янгибозор туманига эса "Дамас" автомобибли топширилди. Шунингдек, "Қовунчиликда энг юқори даромад ва ҳосилдорликка эришганлик учун", "Қадимий анъанавий Хоразм қовунлар навларини тиклаш", "Энг яхши экспорт-боп қовун етиштирилганлиги учун", "Қовунчиликда инновацион технологиялар жорий қилганлиги учун" ва "Энг кўп турдаги қовун етиштирган ҳудуд" каби номинациялар бўйича бир қатор туман ва шаҳарлар, муассасалар ҳамда фермер хўжаликлари қимматбах о совғалар билан тақдирланди.

Тақдирлаш маросимидан сўнг барча меҳмонлар ҳамда ташриф буюрувчиларга сахналаштирилган чиқишлар ва озарбайжонлик санъаткорлар ҳамда ўзбек эстрадасининг юлдузлари иштирокида катта гала-концерт дастури намойиш этилди.

**Аҳмаджон ШОКИРОВ,**  
**ЎЗА мухбири.**

## ПОЙТАХТИМИЗДА АҲОЛИ СОНИ

Бугунги кунда юртимизда аҳолининг сони ва унинг ўсиш суръатлари узулқисз равишда ортмоқда.

Тошкент шаҳар статистика бошқармасининг маълумотига кўра, пойтахтимизда доимий аҳоли сони 2023 йил 1 июль ҳолатига кўра, 2 миллион 999 минг 500 кишини ташкил этмоқда. Шундан:

– эркаклар сони 1 миллион 471 минг 700 кишини,

– аёллар сони 1 миллион 527 минг 800 кишини ташкил этди.

– Шаҳар ҳудудлари кесимида таҳлиллар шунини кўрсатадики, 2023 йил 1 июль ҳолатига кўра, энг кўп аҳоли сони: Олмазор туманида бўлиб, 395,0 минг кишини ташкил этади. Шунингдек, Юнусобод туманидаги аҳоли 366,9 минг киши.

Энг кам аҳоли сони Яккасарой туманида – 126,9 киши ва Бектемир туманида – 55,7 минг кишини ташкил этган.

**Тошкент шаҳар статистика бошқармаси.**

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят ҳамда Яқкабоб туман партия кенгашлари халқ депутатлари Яқкабоб туман Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси

**Абдуғаффор АҲМЕДОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

MUTOLAA

+25 Корақалпоғистон  
Республикаси  
Хоразм +30+27 Бухоро  
Навоий +32+27 Тошкент  
Самарқанд  
Жиззах  
Сирдарё +32+31 Қашқадарё  
Сурхондарё +36+27 Андижон  
Наманган  
Фарғона +32+32 Тошкент  
шаҳри +34

t.me/uzbekiston\_ovozi\_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekistonovozi

uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

# ҚАЧОН СОТИБ БЎЛИНИШИ КЕРАК?



БУ САФАРГИ МАҚОЛАМИЗНИНГ МАВЗУСИ СИЗГА ҚИЗИҚ БЎЛИШИ ШУБҲАСИЗ. КИТОБЛАР АСЛИДА ҚАНЧА МУДДАТДА СОТИБ БЎЛИНИШИ КЕРАК ВА БУ МУДДАТНИ КИМ БЕЛГИЛАЙДИ. АГАР СОТИЛМАСА-ЧИ?..

БИЛАСИЗ, ЎҚУВЧИНИНГ ЭЪТИБОРИНИ ЯЛТ ЭТИБ ЎЗИГА ТОРТАДИГАН, ЖАЛБ ЭТАДИГАН ЖИХАТ КЎП, ШУЛАРДАН АСОСИЙЛАРИ – КИТОБНИНГ МУҚОВАСИ, УНИНГ ДИЗАЙНИ. ҲАТТО, У ЭНГ МАШҲУР АДИБНИНГ АСАРИ БЎЛСА ҲАМ БУГУН ЎҚУВЧИЛАР КИТОБНИНГ КЎРИНИШИГА ҚАРАБ КЕЙИН ХАРИД ҚИЛЯПТИ.

ШУНДАЙ ЭКАН, НОШИР БОЗОРДАГИ ТЕНДЕНЦИЯНИ КУЗАТИШГА, ЎҚУВЧИНИНГ ТАНЛОВИ, ДИДИ БИЛАН ҲИСОБЛАШИШГА МАЖБУР. АСЛИДА АШАДДИЙ КИТОБХОН УЧУН БУ УНЧАЛИК МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА ЭМАС, АММО МУҚОВАНИ АҲАМИЯТСИЗ САНАЙДИГАНЛАР ОЗЧИЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ.

ГЎЗАЛЛИК ШАЙДОЛАРИ ЭСА КИТОБ СОТИБ ОЛАЁТГАНДА МУҚОВАДА ЎЗИ КЎРИШИНИ ИСТАГАН ГЎЗАЛЛИКНИ, РУҲИЯТИГА МОС КАЙФИЯТНИ ЁКИ ЎША АСАРНИНГ МАЗМУНИНИ КЎРГИСИ КЕЛАДИ. ХУЛЛАС, МАҚОЛАНИНГ САРЛАВҲАСИ ЎҚУВЧИНИНГ ЭЪТИБОРИНИ ЎЗИГА ЖАЛБ ЭТГЕНИ КАБИ КИТОБНИНГ МУҚОВАСИ ҲАМ ЯРҚ ЭТИБ ЎЗИГА ТОРТА ОЛИШИ КЕРАК. ХЎШ, КИТОБЛАР АСЛИДА ҚАНЧА МУДДАТДА СОТИБ БЎЛИНИШИ КЕРАК?

“ҲИЛОЛ НАШР” НАШРИЁТ-МАТБААСИ БОШ МУҲАРРИРИНИНГ ФИКРИЧА, МУҚОВА КИТОБНИНГ СОТИЛИШИНИ ҲАЛ ҚИЛАДИГАН АСОСИЙ ОМИЛЛАРДАН БИРИ. АГАР НАШРИЁТ ЎЗ ҲИСОБИДАН БИР КИТОБНИНГ НАШРИ УЧУН ҚАНЧАДИР МАБЛАҒ САРФЛАСА ВА У КИТОБ 8 ЁКИ 9 ОЙДА СОТИБ ТУГАТИЛМАСА, БУ НАШРИЁТ ЗАРАРГА КИРИШИНИ БОШЛАЙДИ. ХАЛҚАРО ТАЖРИБАДА ҲАМ НАШР ЭТИЛГАН ЯНГИ КИТОБ, УЗОҒИ 9 ОЙДА СОТИБ ТУГАТИЛСА, БУ ИЖОБИЙ КЎРСАТКИЧ ДЕГАНИ ВА МАҲСУЛОТГА САРФЛАНГАН МАБЛАҒ ЎЗИНИ ОҚЛАГАН БЎЛАДИ.

## ОХИРГИ НУҚТАНИ КИМ КЎЯДИ?

Масалан, “Ҳилол нашр” да чоп этилган китобларнинг аксарияти 6 ойга қолмай сотиб бўлинаркан, энг узоқ муддат эса бир ярим йил. Агар уч ёки беш минг ададда китоб чоп қилинадиган бўлса, бир йил ичида китобхонлар кўлига тўлиқ етиб боришга улгуради. Шундай ҳолатлар ҳам бўлганки, айрим китоблар 1 ҳафтада сотиб тугатилиб, қайта нашр учун турнақатор навбат юзага келган.

Юқори талабга муқованинг аҳамияти борми? Бор, албатта!

Ўқувчининг кўзини қувнатгани, ички оламига нақадар яқин бўлгани учун ҳам китоб-

ни, ҳеч бўлмаса, ҳавасга сотиб оладиган бор. Муқоваларнинг ҳам ўз тарихи бор. Билсангиз, қизиқ. Қизиқсангиз, ичига кириб кетасиз. Жараён ажойиб.

Ажойиблиги шундаки, дейлик, китобнинг муаллифи ўз асари учун муқованинг кўринишини дизайнерга тасвирлаб берди. Муаллиф ўз асарини, дейлик, кўк муқовада босилишини истади, тамом. Унинг танлашга ва талаб қилишга ҳаққи бор. Чунки, у нафақат асар муаллифи, балки бир вақтнинг ўзида буюртмачи ҳамдир.

Аммо ҳаммаси жараён бошлангандан кейин “бошланади”. Дизайнер бир томон, муаллиф бир томон, ўртада муҳаррир ҳам ўз фикрини айтади. Аммо алал-оқибат, на униси

ва на буниси муқова учун ўз танловини тасдиқлата олмайди.

Охириги нуқтани биласизми ким кўяди? Дизайнер!

Нега дейсизми? Ахир, у рассом, у ижодкор. У ҳатто муаллиф кўра олмаган ранглارни кўра олади, асарда тасвирланган воқеаларни биргина муқовага киритиш учун китобга жуда кўп ракурсдан қарай олади, рангларни ўта нозик дид билан танлаши, шрифтлар, ҳар бир тасвир ўз ўрнида бўлиши, асар мазмунига бевосита мос бўлиши шарт.

Композиция ҳам айнан муқовадан бошланади. Шундай экан, аксарият ноширлар дизайнерларнинг ижод жараёнидаги инжиқлигига чидашга мажбур.

## ШАРТМИ?

Ҳамма дизайнер ҳам рассом бўлиши ва муқоваси яратилаётган асарни ўқиб чиқиши шартми?

Бу савол, билсангиз, энг оғриқли нуқтамиз. Қўлингизга тушган бирон-бир китоб агар у устоз кўрган рассом дизайнер томонидан яратилган бўлса, сиз асарнинг моҳиятини тасаввур қила оласиз, муаллифнинг нима демоқчи бўлганини муовадан ҳис қила оласиз. Масалан, ўтган йили шоир Рауф Парфининг 2 та китоби нашр этилди. Китобнинг муқоваси ўзига хос. Унда шоирнинг характери, шеърлари, ҳикояларидаги самимийлик, кескинлик, очиклик, тўғрисиқлик очиб берилган. Бундай креатив услубдаги муқовалар ўзбек китобхонлари учун янгилик.

Айтиш мумкинки, рассом креативликдан ташқари муаллифнинг ички оламига ҳис эта олгани учун ҳам муқовага айнан ёндошган. Демак, у Рауф Парфининг ижоди билан, ички олами билан таниш. Аммо кўлимизга етиб келаётган китобларнинг муқоваси устида ишлайдиган ҳамма дизайнерлар ҳам бу мактабни кўрган дея олмаймиз. Афсуски, уларнинг ичида кўчирмакашлари, мактаб кўрмаган ёш дизайнерлар бор. Бозор эса ҳаммага очик. Танлов кенг, савияли китобхон уларнинг ўртасидаги фарқни бир қарашда била олади.

Агар дизайнларнинг тарихига назар ташласак, ўтган асрнинг 70-йилларида асосан супер муқовали китоблар урфда бўлган. Бу чарм муқованинг устига яна бир қалин муқова қопланган кўринишдаги китоблар-

дир. Муқоваларнинг бошқа тури ҳам чармдан бўлиб, зарҳал ҳарфлар билан муаллифнинг исми ва асарнинг номи ёзилган. Аҳамият берсангиз, ўтган асрнинг энг урфдаги китоблари асосан тўқ рангда бўлган. Асарнинг мазмунини рассомлар суратларда тасвирлашган.

Уша давр муқоваларига креатив усулда ёндошилмаган бўлса-да, ўқувчилар китобларни танламай, қарамай, кўлига етиб келганига ҳурсанд бўлиб харид қилаверишган. Ҳозир, албатта, замон бошқа, талаб ўзгарган, ёндошув ҳам шунга яраша, албатта.

Аммо компьютерда ишлашни биладиган ёшлар ҳам рассомнинг ишини бажаришга ўтиб олди. Бу эса ҳолатнинг аянчли кўриниши. Чунки, китоб бозорига аксарият асарлар табиатан тасвирий санъатнинг моҳиятини англамаган, дизайнерликка даъвоси бор ёшлар кўлидан ўтаяпти. Биз севиб ўқийдиган аксарият китоблар унинг мазмуни билан танишмасдан, фақат кириш қисмидаги умумий фикрни ўқиб, муқовани ўша ҳулосадан келиб чиқиб, ишлайдиган дизайнерлар орқали кўлимизга етиб келаяпти.

Узини ҳурмат қилган дизайнер эса тасвирий санъатни билишдан ташқари босмаҳонанинг имкониятлари билан ҳам яхши таниш бўлиши керак. Муқова шундангина босмаҳонадан айнан у тасаввур қилгандек кўринишда чоп этилади. Китобнинг беағи, шакли, ҳажмини тўғри тўлдириш ва тақсимлаш, тасвирий санъат усталарининг тили билан айтганда, ички конструкцияси, ички архитектоникасини билган дизайнерлар иши сезинг кўлингизга тушганда, у нафақат китоб, балки санъат асари ҳам эканини дарров сезасиз. Ҳаттоки, сиз санъат асарини у қадар яхши тушунмасангиз ҳам.


Китобни ўқиганидан кейин рассомнинг тафаккурида маълум бир шакллар, ранглар уйғонади. Агар у устоз кўрган бўлса бу ранглар табиат инкор этмайдиган тасвирларни ўзида мужассас этган бўлади. Шундай экан, кўлимизга етиб келаётган ҳар бир асар санъат даражасида бўлиши лозим. Йилларга татийдиган, ўқувчига тафаккур улашадиган китобларни фақат тасвирий санъатни тушунадиган, ўқиган дизайнерларгина яратишга лойиқ.

**Нигора ҲАСАНОВА,**  
адабий шарҳловчи.

## 2030 ЙИЛГАЧА ТОШКЕНТ ШАҲРИ ҲУДУДИДАГИ ЯШИЛ МАЙДОНЛАР 5000 ГА ЕТКАЗИЛИШИ МАҚСАД ҚИЛИНГАН

Бу борада ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасига мувофиқ, 2024 йилда ҳозирда мавжуд 900 га қўшимча 300 га кўкаламзор ҳудуд ташкил этилиб, яшил майдонлар 1100 гектарга, 2025 йилга 1400, 2026 йилда 1900, 2027 йилга 2500, 2028 йилда 3200, 2029 йилда 4000 гектарга етказилади.

Пойтахт ҳокимлигининг таъкидлашича, шунга параллел равишда бугунгача экилган ва экилаётган ҳар бир дарахтга паспорт бериш ва уларнинг парвариши учун масъулларни бириктириш ҳамда ўсиш жараёнини назорат қилиш ишлари ҳам олиб борилади.



## ИЖАРАДА ЯШОВЧИ ТАЛАБАЛАРГА ИЖАРА ТЎЛОВИНИНГ БИР ҚИСМИНИ ҚОПЛАБ БЕРИШ ТАРТИБИ СОДДАЛАШТИРИЛМОҚДА

Вазирлар Маҳкамасининг кеча қабул қилинган “Олий таълим муассасалари талабаларини турар жой билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Ҳукуматнинг аввалги 605-сон қарорига (24.09.2021 й.) айрим ўзгартiriшлар киритилди.

Бунда талабаларга ойлик ижара тўловининг бир қисми ижара шартномасининг суммасидан қатъи назар Тошкент шаҳрида – базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари (330 минг сўм), қолган ҳудудларда – базавий ҳисоблаш миқдорининг ярим баравари (165 минг сўм) миқдорига

тўланиши белгилаб қўйилди.

Ижара тўловининг бир қисмини қоплаш учун талабаларга қўйиладиган бир қатор талаблар бекор қилиниб, талабгорни аниқлаш мезонларини белгилаш ваколати олий таълим муассасасидаги комиссияга берилди.

Бу орқали ҳақиқатда ижарага эҳтиёжманд бўлган талабаларнинг имтиёздан фойдаланиш имконияти янада оширилади.

Шунингдек, биринчи босқич талабаларига сентябрь ва октябрь ойлари учун ижара шартномаси талаб этмасдан ойлик ижара тўловининг бир қисмини қоплаб бериш тартиби жорий этилди.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON  
XALQ DEMOKRATIK  
PARTIYASI  
MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV Muslihididdin MUHIDDINOV  
Ulug'bek VAFOYEV Hayotxon ORTIQBOYEVA  
Maqsuda VORISOVA Shuhrat ISLOMOV  
Qalandar ABDURAHMONOV Toshtemir XUDOYQULOV  
Guliston ANNAQILICHEVA

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «A»-uy.

Telefonlar: (71) 239-12-14

Reklama b'limi: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 836. 6789 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 21:30

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.